

# АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 7-mart, shanba • № 10(4111)

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарама она-хонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутади-ган, табиат чирой очиб бораётган мана шу илк баҳор кунларида, айна шу шукуҳли айёмда сиз, азиз қадрдонларимни, сизларнинг тимсолин-гизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан самимий муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Биз ҳаётимизда турли-туман саналарни байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Шулар қаторида кўнгилларимизга гўзаллик ва хурсандчилик, файзу тароват олиб келадиган 8 март байрами алоҳида ўрин тутди. Бу байрам агар-

ки ҳаётимизда бўлмаса, ана шундай байрамни албатта таъсис этиш керак бўларди.

Нега деганда, айна шу кунларда Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш сиз, муҳтарама аёлларнинг шаънига юрак-юрагимизда, қалбимиз тўрида бўлган энг самимий, энг олижаноб сўзларни, ҳурмат ва эҳтиром, меҳр-оқибат, севги ва садоқат туйғуларини изҳор этиш учун яна бир имконият туғилади ва барчамиз мана шу имкониятдан фойдаланишга шошилаемиз.

Ҳеч кимга сир эмас, аёл зоти ҳақида, унинг қандай тенгсиз латофат ва нафосат соҳибаси экани, эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фаришта-си экани ҳақида тарихимиз-

да не-не улуг мутафаккирлар, шоир ва алломалар қанча-қанча дил сўзларини баён этганлар.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, буюк Алишер Навоий бобомизнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз ва меҳрибон, муқаддас Она сиймоси олдида барчамиз бош эгиб таъзим қилаемиз.

Мана шу байрам кунларида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда қадрли опа-сингилларимизни эъзозлаш, уларни улуглаш учун энг гўзал ва олижаноб таърифларни келтиришга интиламиз. Шу ўринда мен аёлларимиз шунга ишонишларини истардимки, айна мана шу 8

март байрами келиши билан биз ҳаммамиз шоир бўлиб кетишга тайёремиз. Албатта, шоирга айланиш жуда қийин, лекин мен юртимизнинг барча мард ўғлонлари номидан аввало сиз, азизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, қалбларингизда неки эзгу ниятлар, орзу-интилишлар бўлса, уларнинг барча-барчаси албатта ижобат бўлиши-ни, рўёбга чиқишини чин юракдан тилайман.

Бугун биз энг самимий дил сўзларимизни сиз, азизларга йўллар эканмиз, таъкидлаш жоизки, биз муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимизни, умр йўлдошларимизни ҳамма вақт ҳам ҳурмат қилиб келганмиз, лекин уларнинг биз учун нақадар қадр-

қимматли, жондан азиз ва меҳрибон эканини англаш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди.

Бундай қарашнинг сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг оилага, аёл зотига, умуман ҳаётга бўлган муносабатимиз бутунлай ўзгариб, тобора юксалиб бормокда, ҳаётимизнинг маъно-мазмунига, асосий мақсади-га айланмоқда.

Бу эса биз учун жуда муҳим бўлган бир фикрни, яъни «Ким эдигу ким бўлдиқ?», деган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

(Давоми 2-бетда).



## ВАТАНДЕК МУҚАДДАС, БАҲОРДЕК ГЎЗАЛ

**«Туркистон» саройида 8 март –  
Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан  
тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда аёлни улуглаш, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб ҳаёт шароитини яратиш, оғирини енгил қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Зеро, жамият ҳаётининг турли жабҳаларини раванқ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни миллий ва умминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Турли соҳаларда аёлларнинг меҳнат қилаётган хотин-қизлар 6 март куни Тошкентдаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиохирургия мажмуаси, Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган Республика олимпия захираси

спорт мактаби, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги «Хончорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги аёллар маслаҳат маркази фаолияти мисолида мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш, хотин-қизларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар билан афрофлича танишди.

(Давоми 2-бетда).

### Байрам репортажи

## АЁЛ МЕҲРИ ҚУЁШ ЯНГЛИҒ НУРАФШОН

Аёл. Шу биргина сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Меҳр ва муҳаббат, вафо ва садоқат, гўзаллик ва нафосат, ирода ва бардош, оқиллик ва фидойилик уйғун бу сўзга. Бинобарин, ушбу даъватбар зот ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини таъминлайди, ўзининг битмас-туганмас меҳри билан кўнгилларимизни чароғон, хонадонларимизни нурафшон этади. Унинг беқиёс латофати олдида табиатдаги ҳар қандай гўзаллик лол қолади, саховати, садоқатининг ҳадди-чегараси йўқ.

Аёл деганда, кўз олдимизда, энг аввало, мунис ва мушфик, меҳрибон ва ғамхўр она сиймоси гавдаланади. У азиз фарзандлари камоли йўлида бутун борлигидан-да кеча оладиган буюк зот. Биргина шу фазилати боис оналарга бир умр таъзимда бўлсангиз, ҳурмат-эҳтиром кўрсатсангиз арзийди.

(Давоми 3-бетда).





# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Подполковник Тоҳир Саидович АЗИМОВ** — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси бошлиғининг ўринбосари — Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи лавозимига



**Подполковник Дониёр Бахтиёрович ТОШХУЖАЕВ** — Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари — Тергов бошқармаси бошлиғи лавозимига



**Подполковник Баҳодир Абдуллаевич БАҲРОМОВ** — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник Зафар Қодиржонович АЛИМОВ** — Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари — Тергов бошқармаси бошлиғи лавозимига



**Подполковник Шухрат Шуқур-Салимович ТЕМУРОВ** — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник Жаҳонгир Маҳаммаджонович ҲАСАНОВ** — Фарғона вилояти Фурқат тумани ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник Расулжон Турдимуродович КЕНЖАЕВ** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига



**Майор Истам Нурмухаммадов ЭШМАМатов** — Транспортдаги ИИБ Термиз темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи лавозимига



**Капитан Фаррух Ўқтамжонович ЎҚТАМЖОНОВ** — Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ бошлиғи лавозимига

## Байрам репортажи



# АЁЛ МЕҲРИ ҚУЁШ ЯНГЛИГ НУРАФШОН



(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда).

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий ҳаётдаги нуфузини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Муҳтарам онахонларимиз, мунис опа-сингилларимизга ғамхўрлик кўрсатиш, чунончи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнидаги фаоллиги сезиларли даражада ошди. Бугун минглаб аёлларимиз турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, мустақил Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Биргина ҳозирда республикадаги олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг қирқ фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Эътиборли жиҳати, бошқа соҳаларда бўлгани каби, ички ишлар идораларида ҳам кўплаб хотин-қизлар эркаклар билан бир сафда, елкама-елка туриб хизмат қилишмоқда. Хизмат вазифасини муваффақиятли бажариш баробарида оиладаги ўта масъулиятли юмушларини ҳам кўнгилдагидек уйдалаётган, бир сўз билан айтганда, керак бўлса, эркаклар ҳам кўтаролмайдиган оғир вазифаларни нозик елкасида кўтараётган соҳа ходимларининг матонати ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Республика ИИБ Маданият саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирида ана шулар ҳақда сўз

борди. Тадбирда ички ишлар идораларида намунали хизмат қилаётган аёллар, соҳа фахрийлари ва меҳмонлар, шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари қатнашди.

Байрам тадбирини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ах-

викли ёри, гўзал ва оқила Биби-хонимга бағишлаб Самарқандда кўркам мақбара барпо эттириши, Темурийзода Шоҳжаҳон томонидан эса Мумтоз Маҳалбегимга атаб бетакрор «Тожмаҳал» меъморий обидасининг қад кўтариши бежиз эмас, албатта.

Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўр-



медбаев очиб, аёлларни қутлуг айём билан табриклади. Вазир ўз сўзида хотин-қизларнинг жамиятдаги юксак ўрнини алоҳида эътироф этган ҳолда, уларга самимий тилакларини билдирди:

– Аёл борки, олам мунаввар, ҳаёт гўзал ва мафтункор. Ҳаётимизни уларсиз, аёл, она, оила тушунчаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аёлларимизнинг оилада, жамиятда тугган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар. Шу боис ҳам ота-боболаримиз азал-азалдан аёлларни ардоқлаб келган. Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг се-

лик бугунги кунда ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий-жисмоний, интеллектуал салоҳиятини юк-

салтиришга қаратилган ислохотлар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик, бу ижтимоий-сиёсий ёки иқтисодий соҳа бўладими, барчасида аёлларимизнинг улуши тобора ортиб бораётир.

Хусусан, Ички ишлар вазирлиги тизимида минглаб опа-сингилларимиз эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда чинакам жасорат намунасини кўрсатиб, фидойилик билан хизмат қилмоқда. Айниқса, ички ишлар идораларининг жиноят қидирув, тергов, шахсий таркиб билан ишлаш, эксперт-криминалистика хизматлари, ахборот маркази, тиббиёт ва молия-иқтисод соҳаларида хизмат қилаётган хотин-қизлар билан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимиз тараққиётига, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига беқиёс ҳисса қўшаётган сиз, азизларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Сизларга узоқ умр, бахтсаодат, хизмат вазифангизда улкан ютуқлар тилайман.

Шундан сўнг тадбир тантаналари концерт дастурига уланиб

кетди. Вазирлик Маданият саройининг Ашула ва рақс ансамбли ҳамда таниқли хонандалар томонидан ижро этилган аёл, она, Ватан, муҳаббатни улуғловчи дилрабо куй-қўшиқлар, шўхшодон рақслар тадбирга янада байрамона руҳ бағишлади.

– Юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эътиборни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди, – дейди ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисм техник хизматчилари гуруҳи тезкор бўлими офицери, подполковник Сабоҳат Пахруддинова. – Юртбошимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, ҳар йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мамлакатимизнинг энг истеъдодли қизлари адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда ушбу юксак мукофот билан тақдирланаётгани сўзимиз исботи бўлади. Ана шундай эътибор натижаси ўлароқ, хотин-қизларнинг эъзозлаб, иззат-икром кўрсатилиши эса барчамизни янада қувонтиради. Айниқса, бугунги байрам тадбири биз учун муносиб совға бўлди.

– Аслида, ички ишлар идораларида хизмат қилишнинг ўзи юксак шараф, – дейди Транспортдаги ИИБ алоҳида милиция батальони молия-иқтисод бўлими ҳисобчиси, сафдор Раъно Эрматова. – Соҳадаги хотин-қизларни эъзозлаб, иззат-икром кўрсатилиши эса барчамизни янада қувонтиради. Айниқса, бугунги байрам тадбири биз учун муносиб совға бўлди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ.**  
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ ва**  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.



## Тадбирлар

## ФАОЛ ХОДИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ҳукуматнинг тегишли қарор ва фармойишлари қабул қилинган. Давлат аҳамиятига молик объектларда хавфсизликни таъминлашни ташкил этишни назорат қилувчи Республика идоралараро комиссиясида ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижобати ва ўтган йилда ба- жарилган ишлар юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Молия, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсанот» ва «Ўзавтойл» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл

компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этган йиғилишда вазирлик ва ташкилотлар вакиллари объектларда хавфсизликни таъминлаш борасидаги камчиликлар, уларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича маърузалар тингланиб, бу борада ўз ечимини қутаётган муаммолар муҳокама этилди ва уларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилиш якунида Республика идоралараро комиссиясининг фаолиятида муносиб иштирок этгани учун ИИБ «Кўриқлаш» республика бирлашмаси ва Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

**Жаҳонгир СОИПОВ,**  
подполковник.

Жинойатчиликнинг олдини олиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда патруль-пост хиз-

Танлов шартига кўра, 100 ва 3000 метр масофага югуриш, турникда тортилиш, саф тайёргарлиги, ўқ отиш қуролларининг техник, тактик усуллари, хавфсизлик чоралари,

жанговар тайёргарликлари ҳамда соҳавий хизматлар юзасидан тест синовлари қабул қилинди. Эпчиллиги ва зийраклиги билан маҳоратини тўлиқ намоиш қилган

## МАҲОРАТ НАМОЙИШИ



ППХ батальони отряд командири, кичик сержант Тимур Арзуов фахри учинчи, 1-отряд милиционери, сафдор Абай Избанов иккинчи ўринга сазовор бўлди. Шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган ППХ батальони инспектори, кичик сержант Мангитбай Разакбергенов «Патруль-пост хизмати аълочи милиционери» кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси босқичига бериладиган йўлланмани қўлга киритди. Голиблар диплом ва эс-

далик совғалари билан тақдирланди.

**Кувондиқ ҚАЙПОВ,**  
подполковник,  
**Дурдибой ХУДОЙШУКРОВ,**  
ўз мухбиримиз

қуролни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш ҳамда ўқ отиш машғулотларини ўтказиш билан бирга, ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимлари, хизмат ва

## ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

Республикамиз ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун тарғибот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу мақсадда мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Ана шундай учрашувлардан бири Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш касбхунара коллежи ўқувчилари билан ўтказилди.



Тадбирда вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари, подполковник К. Гаффаров сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик иллатлари тарқалишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга қарши ҳар

бир ёш онгида иммунитет ҳосил қилиш лозимлигининг ўринбосари, подполковник К. Гаффаров сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик иллатлари тарқалишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга қарши ҳар

Мазкур тадбирда туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, капитан А. Адизов, коллеж директори М. Каримова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўқувчиларга терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатларнинг салбий оқибатлари, шунингдек, қонунчиликка киритилган ўзгаришлар, вояга етмаган йигит-қизлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ҳақида гапириб ўтишди.

Тадбир давомида «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли видеоролик намоиш этилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

**Улуғбек ҚАЮМОВ,**  
катта лейтенант.  
Навоий вилояти.

## ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Республика ИИБ Қоровул қўшинларига қаршли подполковник З. Юлдашев командирлик қилаётган ҳарбий қисмининг 6-батальонида шахсий таркибнинг маънавиятини ошириш, ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш, ҳушёрлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиб келинади. Жумладан, яқинда «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда ИИБ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси Шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси

бошлиғи, подполковник С. Идиоров ҳамда ҳарбий қисм командири, подполковник З. Юлдашев иштирок этди.

Тадбирга сўзга чиққанлар ҳарбийларга диний экстремизм ва терроризмнинг мамлакатимиз миллий хавфсизлигига таҳдид эканлигини, жамият тараққиётига жиддий хавф солаётганини таъкидлашди. Шунингдек, подполковник С. Идиоров йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**Дониёр ФАЙЗУЛЛОВ,**  
подполковник.

## Умидли ёшлар

## «КАСБИМ МЕНИНГ — БАХТИМ МЕНИНГ»

Мафтунахонни болалигиданок ички ишлар идораларида хизмат қилишнинг шарафли касб эканлиги мафтун этган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки отаси Муқимжон ака шу соҳа вакили эдилар. Қизалоқ касбининг қийинчиликларини ҳам кўриб-билиб турса-да, буни писанд қилмади. Одатда киши яхши кўрган инсонининг камчиликларига кўз юмиб, кўпроқ яхши фазилатларини кўради-ку. Мафтунахон ҳам шу касбни севиб қолган эди. «Бу эркак кишининг касби. Кучли, жасур бўлиш кўлингдан келадими? Қанчалаб қийинчиликларга дуч келишингни биласанми?» деб уни ниятидан қайтармоқчи ҳам бўлишди. Аммо қайсар қиз сўзида туриб олди. Қайтанга спорт билан шуғуллана бошлади, кўл жанги сирларини ўрганди.



Хуллас, 2013 йилда Мафтунахон Йўлдошева ИИБ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига қабул қилинди. Ушанда ўзини дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири деб ҳис этди.

Ушбу даргоҳда хизмат учун керакли назарий билимлар ва амалий кўникмаларни эгаллади. Ўқишни битиргач эса Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи катта инспектори этиб тайинланди.

Жамоа аъзоларининг деярли ҳаммаси эркаклардан иборат эди. Аммо бундан чўчимади. Аксинча, вазифаларини пухта эгаллашга жон-жаҳди билан киришди. Бугунги кунга келиб ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозонишга улгурди. Керак бўлса, иш юзасидан талабчанлигини ҳам кўрсатади.

— Мен серфарзанд оилада вояга етганман, — дея ҳикоя қилади кичик

сержант Мафтунахон Йўлдошева. — Отам узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, капитан унвонида нафақага чиқдилар. Орадан бир неча йил ўтиб, оғир хасталикка чалиниб қазо қилдилар. Биз — беш болани онам ёлғиз ўзлари аёл бошлари билан оёққа тургаздилар. У кишининг меҳнатлари, сабр-тоқатлари туфайли барчамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Вақти-соати келиб онамга отамнинг изларидан қормоқчилигимни айтганимда, бошқа қариндошларимизнинг қаршилигига қарамай, у киши рози бўлиб, оқ фотиҳа бердилар. Фақат ҳалол хизмат қилишим лозимлигини тайинладилар.

Мафтунахоннинг кўнглида яна бир орзуси бор. У терговчи бўлишни жуда-жуда хоҳлайди. Шу сабабдан жорий йилда ИИБ Академиясига кириш учун ҳужжат топширмоқчи. Биз ҳам кичик сержант М. Йўлдошеванинг орзуси ушалишига тилақдошимиз.

**К. БОРИСОВ,**  
Андижон вилояти.

Суратда: кичик сержант  
Мафтунахон Йўлдошева.

Муаллиф олган сурат.

## Кузатув

# ҲАЁТ МАКТАБИДА ТОБЛАНИБ

Армия – ҳаёт мактаби, деб бежиз айтилмайди. Зеро, ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар жисмонан чиникиб, иродаси мустаҳкамланади. Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларни уйга кузатув тантаналарида бу янада яққол кўзга ташланди. Саф майдонида қад ростлаб турган навқирон ёшдаги йигитлар эгнидаги ҳарбий либосда янада салобатли кўринади. Билим юрти раҳбарияти ва тақлиф этилган меҳмонлар минбарга кўтарилгач, ўқув жараёни таъминлаш батальони командири, подполковник М. Мўйдинов аскарлар кузатув тантаналарига тайёр эканини билдирди.

Тадбирни ИИБ ТОХТ-БЮ бошлиғи, полковник Х. Маматов очиб, аскарларни муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаганлиги билан муборакбод этди. Шунингдек, Куролли Кучларимизда амалга оширилган ислохотлар натижасида миллий армиямиз янада мустаҳкамланганини, бугунги кунда ҳарбий хизмат ҳар бир ўғлон учун фахрифтхорга айланганини таъкидлади. Шундан

сўнг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юқори натижаларга эришиб, тест синовларидан муваффақиятли ўтган 81 нафар аскарга имтиёзли тавсияномалар берилди. Намунали хулқи, билими ва жамоат ишларида фаоллиги билан сафдошларига ўрнак бўлган йигитларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота тумани кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва

«Чигатой – Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, билим юрти фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Икромжон Бўронов, Зангиота тумани ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кенгаши раиси Дилобар Мўминова ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Ҳикматулла Зиё-

миддиновлар сўзга чиқиб, аскарларга келгуси фаолиятларида омад тилашди. Сафдошлари номидан сўз олган оддий аскар Маъруфжон Маҳрамов эса ўтган бир йил ўзи ва дўстлари учун катта ҳаёт мактаби бўлганини ҳамда мазкур даргоҳда яратилган шарт-шароитлардан беҳад миннатдор эканини билдирди.

– Албатта, мазкур билим юртига ҳужжатларимни топшираман, – дейди оддий аскар Нуриддин Жабборов. – Боиси, ҳарбий хизмат давомида бу соҳанинг қанчалар шарафли эканини, чинакам Ватан туйғусини ҳис этдим. Шу сабабдан профессионал Ватан ҳимоячиси бўлишни ният қилдим.

– Муддатли ҳарбий хизмат Ватанга, ота-онамизга, яқинларимизга ва дўстларимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада кучайтирди, – дейди Ҳасан ва Хусан Неъматжоновлар.

Хуллас, қайси аскарни суҳбатга тортмайлик, улар хизмат давомида янада улғайгани, она-Ватан тараққиёти учун масъулиятни чуқур ҳис этганини айтишди. Ўйлашмики, йигитлик бурчини ўтаб қайтаётган ўғлонлар мазкур даргоҳда олган билимларидан унумли фойдаланиб, эл-юрт равнақи-га ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Иномжон  
РАҲИМХУҲАЕВ,  
сержант.  
Абу КЕНЖАЕВ  
олган сурат.**



## Семинар

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида «Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма, мустақил бўлимлар касаба уюшмалари раислари, кадрлар билан ишлаш хизмати масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг шаҳар, туман ИИБлари бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Ўқув семинарини Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси А. Абдумухторов кириш сўзи билан очиб, тадбирдан кўзланган мақсадга тўхталди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудирини М. Исаев «Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш», юридик бўлими мудирини Д. Кимсанов «Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш» ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассисини Й. Ядгаров «Ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» мавзусида маъруза қилди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

## САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва маляка ошириш Тошкент шаҳар марказида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўналиши бўйича таълим олаётган тингловчи ва курсантлар учун «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш» мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинар-тренингни марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров очиб, ташриф буюрган меҳмонларга миннатдорлик изҳор этди ҳамда мавзу юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг амалга оширадиган асосий вазифалари, йўл ва чорраҳаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаган ҳайдовчиларга, шунингдек чет эл фуқароларига маъмурий баённома расмийлаштириш тартиби каби саволларга тингловчи ва курсантлар бирин-кетин жавоб беришди. Ушбу соҳада учраётган баъзи бир камчиликлар ҳам муҳокама этилди.

Шундан сўнг ИИБ ЙХХББ инспектори, капитан У. Сиддиқов йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидаги янгиликлар, хизматни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида атрафлича сўз юритди.

Савол-жавоб тарзида ўтган семинар-тренинг иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,  
кичик сержант.**

## Тўйхат ўрнида

## ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ ФАХРИЙ



**Ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини асрашни ҳаётининг мазмуни деб билган ходимлар нафақага чиққандан кейин ҳам шогирдларию, ҳамкасблари ардоғида бўлади.**

Айни кунда табаррук етмиш ёшни қаршилаган истеъфодаги полковник Фуломжон Юлдашев ҳам ана шундай эътирофга муносиб инсонлардан бири. Дастлабки хизмат фаолиятини Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ 2-дивизионида кадрлар бўйича инспектор лавозимидан бошлаган лавҳамиз қаҳрамони касб сир-асрорларини устозларидан ўрганишдан эринмади. Барча ўрганганлари кейинчалик республика ИИБ Кадрлар бошқармасида инспектор, катта инспектор, Котибият катта референти, бошлиқ ўринбосари лавозимларида хизмат қилган кезлари асқотди. Ҳужжатлар билан ишлаш, мустақил ва тўғри қарор қабул қилиш каби хислатлар раҳбарият эътиборига тушган Ф. Юлдашев узоқ йиллар республика ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи лавозимидан фидойилик билан хизмат қилди. Сўнгра вазирлик Ташкилий-инспекторлик бошқармаси халқаро алоқалар бўлими бошлиғи этиб тайинланди ва нафақага чиққунча ушбу лавозимда фаолият кўрсатди.

Фуломжон ака мустақил Ўзбекистонимизда фуқаролик паспортининг тайёрланишида ўзининг аниқ тақлифлари билан фаол иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, тинимсиз излаш ва машаққатли меҳнатда ўзини тоблаб, турли соҳавий хизматларда самарали фаолият юритди. Қўл остидаги ходимларга ҳамisha ғамхўр бўлиш билан бирга, талабчан ҳам эди. Тартиб-интизомни муваффақиятнинг асосий омили деб билган Ф. Юлдашев қаерда ва қайси лавозимда ишлаганини ҳар доим шарафли ҳамда масъулиятли касбига содиқ қолиб шогирдларини ҳам шунга ўргатди. Бугунги кунда унинг кўплаб шогирдлари ички ишлар идораларининг турли соҳаларида юрт осойишталигини асрашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир.

Турмуш ўртоғи Каримахон ая билан икки фарзандни ўзлари сингари эл корига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялашди. Айни кунда ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари сифатида фаолият кўрсатаётган Фуломжон ака 100 ёшни қаршилаган отаси Сирожиддин Юлдашевнинг юрт тинчлиги, осойишталиги учун ҳар сафар дуо қилганида мана шундай кунларга етказганига шукроналар айтади.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.

**Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Фуломжон Юлдашевни таваллуд айёми билан муборакбод этамиз. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилаймиз. Бизнинг сафимизда яна кўп йиллар ёшларга устозлик қилиб юраверсинлар.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Фахрийлар кенгаши аъзолари.

# ЭЛ ДУОСИНИ ОЛИБ

**Профилактика инспекторининг ўз хизмат ҳудудидаги сиёсий, ижтимоий ва криминоген тезкор вазиятдан тўлиқ хабардор бўлиши, турмуш доира-сидаги келишмовчиликлар, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ва ичкиликка ружу қўйган шахслар ҳамда тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашида маҳалла, хотин-қизлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати саъй-ҳаракатларидан ҳамда нуруний кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан унумли фойдаланиши кутилган натижаларни бермоқда.**

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани Бўстон шахрининг Қаватқалъа маҳалласидаги хонадонга ташриф буюрган чимбойлик меҳмонлардан бирининг кетар чоғидаги тушкун кайфияти мезбонларга ҳам «юқиб» асаблар таранглашди. Уйни обдон қараб чиқишди, аммо меҳмонга тегишли ҳамён топилмади. Мезбонлар хижолатдан қизаришди. Киноя аралаш аччиқ гаплар кўпайиб, кескинлашган вазият ҳақида ҳудуд профилактика инспектори, катта лейтенант Сағидулла Минсизбаев ҳам хабар топди. Профилактика инспектори мезбонлар ва меҳмонлар шаънига путур етказмаслик учун расмиётчиликни биров ортага суриб, кексаларнинг фикрини билишни истади. Саксонга яқинлашиб қолган Жақсилиқ ота ёшлигида дўстлари билан Қўнғиротга меҳмонга бориб, худди шундай ҳолатга тушгани, вақт ўтиб йўқолган тилла узук топилса-да, дўстликка дарз кетгани ҳақида куйиниб гапирди. Гўёки қаттиқ сиқилганидан бошини қўллари орасига олиб ғужанак бўлиб ўтирган Кенгесбай чуқур «уф» тортганча



ўғирлаган ҳамённи дўстига узатиб, кечирим сўради.

Профилактика инспектори, катта лейтенант Сағидулла Минсизбаев хизмат қилаётган Қаватқалъа ва Тошкент маҳаллаларида олти юз йигирмага яқин аҳоли истиқомат қилади. Хотин-қизларнинг оила ва жамият олдидаги бурч ва мажбурияти, масъулияти ва муаммолари, уларнинг репродуктив саломатликлари бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ва эрта турмуш қуришнинг олдини олишда нуруний

онахонларнинг ўғит-насихатлари, қимматли маслаҳатлари кутилган самара бермоқда. Энг муҳими, арзмаган нарсага низолашиб қолган томонлар яраштирилиб, қариндошлик ришталари сақлаб қолинмоқда. Шу боис биронта жанжалкаш оила ёки фарзандига салбий таъсир кўрсатувчи ота-она қайд қилинмаган. Тўй-маъракаларнинг ортиқча исрофгарчиликларисиз ихчам ҳамда тартибли ўтишини ва дастурхонга спиртли ичимликларнинг меъёрида тортилишини на-

зорат қилишда ёши улуг инсонларнинг ҳиссаси каттадир. Бу ўз навбатида турли хил нохуш ҳолатларнинг олдини олади.

Неварасининг хатна тўйида қилинган сарполар устида юзага келган баҳс даҳанаки жангга айланди. Кудасини айблаб, бўралаб сўкинаётган Анваралининг жағи тинмасди. Кутлимурот имконияти доирасида қилганини ҳарчанд тушунтиришга уринмасин, ҳаракатлари зое кетди. Сўнг, «бор-е» дея қўл силтаб кетиб қолди. Битта оиланинг тинчи бузилиши шубҳасиз маҳаллага ҳам таъсир қилади. Ахир бундай ҳолатда тўй кимга ҳам татирди. Бу гал Абдурахмон ота билан Ҳалим ота қаттиқ туришди. Профилактика инспекторига кўз остидан шумшайиб боққан Анваралини ўртага олиб, тинчлик ва осойишталик замиридаги тўкин-сочинликнинг қадрига етишни уқтиришди. Бир бурда нонга зор бўлган, тўй қилиш у ёқда турсин қазо қилган яқинларига кафанлик тополмаган аянчи даврлар ҳақида йиғлаб гапиришди. Анварали аввал кексалардан, кейин қудасидан узр сўради. Бундай мисоллар профилактика инспектори, катта лейтенант Сағидулла Минсизбаевнинг халқ билан ҳамнафас яшаётганлигидан далолатдир.

– Тинчлик бор жойда тарқайди тўхтамайди. Инфратузилмалар ривожланиб, аҳолининг турмуш даражаси

тобора яхшиланмоқда, – дейди «Қаватқалъа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анназар Аннаев. – Милиция таянч пункти қошида ташкил этилган спорт тўғрақларида юздан ортиқ ёшлар ўзлари севган спорт турлари бўйича шуғулланмоқда. Уларнинг тарбияси, комил инсон бўлиб етишишлари йўлида нафақат халқ таълими ходимлари, балки кексаларимиз ҳам фаолдирлар. Энг муҳими, уларни назорат қилиб, ёшлар ва болаларни эгри йўлдан қайтараётгани учун профилактика инспекторини нуруний қарияларимиз доим дуо қилишади.

– Профилактика инспектори, катта лейтенант Сағидулла Минсизбаев жуда гайратли йигит, – деди «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўткир Ҳакимов. – Ўзи ҳам тинмайди, биз фаолларни ҳам ишга жалб этади. Ана шундай шижоатли профилактика инспектори бизга хизмат қилаётганидан мамнунмиз. Чунки, маҳалламизда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камайди. Фуқароларимиз тинч-тотув яшаб, ишлаб, ўқиб юришибди.

Эл эътирофидан ортиқ баҳо йўқ, албатта. Кўпларнинг кучини яхшиликка эзгуликка бирлаштира олганлар ана шу баҳога сазовор бўлади.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**  
Қорақалпоғистон Республикаси.

**Суратда:** Эллиқалъа тумани ИИБ 187-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Сағидулла Минсизбаев хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

## ▼ Туман ИИБда

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

**Каттақўрғон шаҳри Самарқанд вилоятининг сўлим гўшаларидан биридир. Шаҳарда 82 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда кўплаб корхоналар, шу жумладан кўшма корхоналар, хусусий фирмалар, ўнга яқин банкларнинг филиаллари фаолият кўрсатиб турибди. Ички ишлар идоралари ходимлари эса шаҳар аҳлининг тинчлик-осойишталигини ишончли таъминлашмоқда. Ҳудуддаги тезкор вазият ҳақида сўраганимизда, Каттақўрғон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Гофур МАВЛОНОВ:**

– Ўтган йилнинг шу даврига солиштирганда жорий йилда шаҳримизда жиноятчилик камайди. Бу биринчи галда товламачилик, фирибгарлик, номусга тегиш, ўғрилик каби жиноят турларига тегишли. Бундай натижаларга авваламбор ходимларимизнинг жамоатчилик билан ҳамкорлиги туфайли эришдик. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирокида аҳоли билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этаймиз. Самимий, ошкора руҳда ўтаётган ушбу тадбирларда хавфсизлик ва қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилиняпти. Ўзаро ишонч, ҳамкорликнинг самараси ўлароқ ўғри-

лик, ўқотар қуролларни ноқонуний сақлаш билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар фош этилди, – деди.

Ҳамсуҳбатимиз таъкидлаганидек, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳам аҳамияти катта бўлаёпти. Бу борада айниқса профилактика инспекторлари муҳим роль ўйнаяпти. Мунтазам равишда ўтказилаётган «Анти-террор», «Арсенал», «Қорадор» тадбирлари профилактик ишларни кучайтириш, пировард натижада жиноятларни камайтириш, содир этилганларини эса фош қилиш имконини бермоқда.

Ўтган йили апрель ойида номатълум кимсалар У. Сирожиддинга нисбатан куч ишла-

тиб, унинг уяли телефонини, ҳисобида уч юз минг сўм бўлган пластик тўлов картчасини ва нақд пулларини тортиб олишган эди. Ходимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли уч кишидан иборат ушбу жиноий гуруҳ қўлга олинди.

Жорий йилнинг 5 февраль кунини шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига «Тез ёрдам» хизматининг навбатчи шифокори қўнғироқ қилди. У пичоқ билан жароҳат етказилган фуқаро олиб келинган ҳақида хабар берди. Дарҳол касалхонага тергов-тезкор гуруҳи етиб борди. Тергов-суриштирув ҳаракатлари жараёнида А. Ҳалимовга муқаддам судланган фуқаро жароҳат етказганлиги аниқланди.

Муқаддам судланганларнинг барчаси имкон қадар иш билан таъминланаёпти. Узоқ муддатга бошқа мамлакатларга чиқиб кетганларни уйларига қайтариш чоралари кўрилмоқда. Қайтганларнинг аксарияти бугунги кунга келиб ишга жойлаштирилди. Ёшларни турли зарарли оқимлар, хусусан диний-экстремистик ақидаларнинг таъ-



сиридан муҳофаза қилиш, уларнинг бўш вақтини мазунли ўтказиш диққат марказида. Шу мақсадда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда турли спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаёпти.

«Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади» деган гап бор. Дарҳақиқат, ҳамма жойда ҳам ишнинг муваффақияти малакали мутахассисларга боғлиқ. Шу маънода Каттақўрғон шаҳар ИИБ жамоаси хизмат фаолиятида ютуқларга эришишида тезкор вакиллар – капитан А. Фуломов,

лейтенант О. Норхўжаев, профилактика катта инспектори, катта лейтенант Ф. Бахриддин, профилактика инспектори, катта лейтенант О. Исмаилов, катта терговчи, катта лейтенант М. Каттақулов, ҳайдовчи-милиционер, катта сержант И. Қиличов, инспектор-кинолог, сафдор Қ. Бобоқулов сингари фидойи ходимларнинг муносиб ҳиссаси бор.

**Дилбар САЛОҲИДИНОВА.**  
Самарқанд вилояти.

**Суратда:** тезкор навбатчи, майор Ж. Широқ ва навбатчи ёрдамчиси, кичик сержант Х. Холмуродов хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

## ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Анджон вилоятининг барча шаҳар ва туманларидаги паспорт бўлинмалари юксак технологияли замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Биометрик паспортларни расмийлаштириш билан шуғулланувчи ходимлар эса махсус тайёргарликдан ўтишган. Фуқароларнинг биометрик маълумотларини ва суратини олиш бор-йўли беш дақиқа вақтни олади. Шундан сўнг уларга тез кунларда паспорт топширилади.



## АҲОЛИ МАМНУН

Вилоятнинг Балиқчи тумани ИИБ паспорт столида ҳам ушбу жараён яхши йўлга қўйилган.

– Ҳозиргача қирқ мингдан зиёд фуқаро биометрик паспорт олишга улгурди, – дейди туман ИИБ паспорт столи бошлиғи, сержант Содиқжон Раҳимов. – Ҳар куни бизга 250 нафардан зиёд киши турли масалалар юзасидан мурожаат этишади. Уларнинг асосий қисмини биометрик паспорт олувчилар ташкил қилади. Бундан ташқари, прописка, вақтинчалик рўйхатдан ўтиш масалалари бўйича мурожаат қилувчилар ҳам учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, паспорт столи биноси реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган. Стендларга сўровномаларни тўлдириш қодалари илиб қўйилган. Кутиш залидаги мониторда биометрик паспорт, уни олиш қодалари ва муддатлари ҳақида ви-

деоролик намойиш этилиб турилади.

Кексаларни эъзозлаш халқимизнинг азалий удумларидан. Шу сабабли ёши улуг инсонлар навбатсиз қабул қилинади. Фуқароларга ҳар куни хизмат кўрсатилади. Паспорт столи инспектори, кичик сержант Акмалжон Жалилов уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтариб, керакли маслаҳат ва тавсиялар беради, қайси кабинетларга киришлари лозимлигини тушунтиради. Яратилган қулайликлардан, ходимларнинг хушмуомалалигидан аҳоли мамнун.

**Борис КЛЕЙМАН.**

**Суратда:** Балиқчи тумани ИИБ паспорт столи бошлиғи, сержант Содиқжон Раҳимов Чинобод қўрғон милиция бўлинмаси паспорт столи бошлиғи, кичик сержант Эгамберди Йўлчиев билан биометрик паспорт беришга оид масалаларни муҳокама қилмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК  
ОФАТ КЕЛТИРАДИ

Ёнғин жамиятимизга жиддий хавф солувчи офатлардан биридир. У содир бўлганда моддий бойликлар кулга айланиши, ҳатто инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шу боис, Бухоро шаҳар ИИБ ЁХБ ходимлари бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш йўлида фидойилик билан хизмат қилишмоқда. Шаҳар ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда, аҳоли турар-жойларида, таълим муассасаларида кенг кўламдаги тушунтириш ишлари олиб борилаёпти. Ёнғин хавфсизлиги қодаларига риоя қилмаган фуқароларга, корхона раҳбарларига нисбатан қонуний чоралар кўришмоқда.

Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар-жойларига тўғри келаётгани ачинарли ҳолдир. Шу боис жойларда ўтказилаётган тушунтириш ишлари кўламини янада кенгайтириш, шахсий таркибнинг касбий ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Хизмат самардорлигини оширишда, юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, содир бўлган ёнғинни зудлик билан бартараф этишда транспорт воситаларининг ўрни бениҳоя катта. Шуни инобатга олиб, ёнғин ўчириш автомашиналарининг техник созлигига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Сир эмаски, ёнғинни бартараф этишда асосий ўчириш воситаси сув ҳисобланади. Шундай экан, ер ости сув олгичларнинг созлиги, уларга бориш

йўллари очик бўлиши нақадар муҳимдир. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари Бухоро шаҳар «Сувоқава» корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда ҳудуддаги ер ости сув қувурларига ўрнатилган ёнғинга қарши ер ости сув олгичлар ҳолатини текшириб чиқишди. Сув олгичлар тайёр ҳолатга келтирилди, носозлари янғисига алмаштирилди.

Бундан ташқари, эски шаҳар атрофидаги маҳаллаларда аҳоли яшаш хонадонларида мавжуд иситиш печларининг созлиги, мўриларнинг талаб даражасида ўрнатилганлиги газ ва электр тармоқлари корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликлар жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниб, уларни бажарилиши назорат остига олинди. Шуни алоҳида

таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган тадбирлар, учрашувлар ўз самарасини бериб, ўтган йилнинг шу даврига қараганда ёнғинлар сони йигирма беш фоизга камайди. Инсонларнинг тан жароҳати ва ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари содир бўлмади. Ёнғин хавфсизлиги қодаларига риоя этмаётган ҳамда соҳа ходимлари томонидан берилган кўрсатмаларни ўз вақтида бажармаган мансабдор шахсларга ҳамда фуқароларга нисбатан қонуний чора кўрилиб, саккиз миллион сўмга яқин жарима солинди.

Афсуски, кўрилатган чораларга қарамасдан ёнғинлар содир бўлмоқда. Яқинда шаҳарнинг Янги йўл кўчасидаги хонадонлардан бирида газ иситиш печининг ҳаддан зиёд қизиши натижасида ёнғин содир бўлди. Яхшиям хонадон эгаси ёнғин чиққанини сезиб қолибди. У ташқарига чиқиб, кўшнилари ёрдамга чақирди. Соҳа ходимлари этиб келишганида, вазият анча оғир эди. Халоскорлар дарҳол ишга киришиб, ёнғинни бартараф этишди. Бироқ хонадон соҳиби кўп миқдорда моддий зарар кўрди. Ёнғин билан боғлиқ бўлган нохуш ҳолатлар асосан эътиборсизлик оқибатида содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам хотиржамликка берилмаслигимиз, доимо ҳушёр ва эҳтиёткор бўлишимиз зарур.

**Бахтиёр ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
майор.

Бухоро вилояти.

«101» ХАБАР  
ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 168 та ёнғин қайд этилди. Турли сабабларга кўра содир бўлган ёнғинларда етти нафар фуқаро тан жароҳати олиб, икки киши ҳаётдан кўз юмган. Ушбу ёнғинлар таъсиридан 1 млрд. 80 млн. сўмдан ортиқ қурилиш материаллари ва 957 млн. сўмга яқин моддий бойликлар сақлаб қолинган.

Иситиш печини ёқиб, қаровсиз қолдириш Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи фуқаро О. Ҳамидовнинг хонадонидан ёнғин содир бўлишига олиб келди. Офат натижасида унинг томи, шифти ва жиҳозлари ҳамда кўшни хонадоннинг том қисми ёниб зарарланган.

Хоразм вилояти Хива туманида яшовчи фуқаро А. Аҳмедовнинг келини ошхонадаги газ баллони шлангидан сизиб чиққан газ ҳидини сезмай гугурт чақиб юборади. Натижада хонага тўпланган газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши содир бўлиб, уйнинг томи ва жиҳозлар ёниб зарарланган. Уй бекасининг келини ва олти ёшли невараси куйиш тан жароҳати олиб туман

шифохонасига ётқизилган. Энг ачинарлиси, ёнғинни ўчириш давомида беш ёшли неварасининг куйган ҳолдаги жасади топилган.

Электр симларининг эскириб, фойдаланиш муддати ўтиб кетганига эътиборсизлик ҳам мудҳиш кўнгилсизликка сабаб бўлиши Фарғона вилояти Учкўприк туманида яшовчи И. Зариповнинг хонадонидан яна бир бор исботини тоғди. Бу хонадонда эскириб кетган электр симларининг қисқа туташуви рўй бериб, ёнғинга айланган ва уйнинг томи, шифт қисми ва жиҳозлар ёниб кетган.

Кўза кундамас, кунда синади деб, бежиз айтилмайди. Иситиш печларини тез-тез назоратдан ўтказиб туриш, электр симларининг ҳолатини мутахассисларга текширтириб туриш фойдадан холи эмаслигини юқорида содир бўлган ёнғинлардан билиш мумкин, албатта. Ёнғин офатининг рўй бермаслиги учун мавжуд қодаларга қатъий риоя этиш лозим.

**Жалолиддин ҲАКИМОВ,**  
майор.

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

ХОНАДОН ЭГАСИНИНГ  
ЖАСОРАТИ

Кўқонлик тадбиркор Қ. Ботирнинг уйига тунда икки номаълум шахс бостириб кириб, хонадон эгаларидан пул талаб қилади. Оила аъзоларининг қаршилиқ кўрсатиши натижасида ниятига ета олмаган босқинчилар жуфтакни ростламоқчи бўлишганида уй соҳиби улардан бирини ушлаб қолади. Ички ишлар идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида иккинчи босқинчи ҳам қўлга олинди. Улар шу шаҳарда яшовчи М. Аваз ва М. Шаҳбоз экан.

ТУНГИ «ТАШРИФ»НИНГ  
СИРИ

Хоразм вилояти Янгиариқ туманида яшовчи Ю. Муроднинг икки бош қорамоли тунда номаълум шахслар томонидан ўғрилаб кетилади. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида Гулобод қишлоғида яшовчи Ж. Фолиб мазкур жиноятни содир этганликда гумон қилиниб қўлга олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

НИҚОБДАГИ  
БОСҚИНЧИЛАР

Оққўрғон туманилик А. Дилбарнинг уйига тунда юзларига ниқоб таққан икки шахс бостириб киради. Улар 1 млн. 200 минг сўм пул ва бир жуфт тилла зиракни қўлга киритиб, қочиб кетишади. Ички ишлар идоралари ходимлари тезкор чоралар кўриб, жиноятни фош этишди. Ниқобли босқинчилар Алимкент қўрғонида яшовчи Р. Аҳрор ва Д. Фарҳод экан. Энди улар қилмиши учун қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

## ЗЎРАВОН МЕҲМОН

Наманганлик Ж. Шероз Янгиқўрғон туманида яшовчи бувисининг уйига меҳмонга бориб, унинг кўшниси билан гап таллашиб қолади. Тортишув жанжалга айланиб, Шероз Абдуқаҳорни аёвсиз калтаклайди. Жабранувчи тан жароҳати олгани боис шифохонага ётқизилди. Зўравон ички ишлар идораларига олиб келинди. Ҳозирда Ж. Шерозга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.







## Маърифат ва сиёсий ўқиш

**Дунёдаги ҳамма халқлар, миллатларнинг сиёсий, маданий-маиший ҳаётида муҳим ўрин тутган байрамлар ўз тарихи билан уйғундир. Чунки ҳар бир миллатнинг шаклланиши, менталитетининг қарор топишини кўп жиҳатдан оммавий тантаналар, расм-русумлар ва одатлар белгилайди. Аждодларимиз минг йиллардан буён Ромуш оғам, Моҳирж, Амохвора, Бобохвора байрамларини нишонлаб келган. Ҳозирги пайтда улардан Наврўз, Меҳржон, Ҳосил байрамлари сақланиб қолган. Аини пайтда Мустақиллик байрами ҳам қўшилганини қайд этиш ўринлидир.**

Олимлар миллат вакиллари нишонлайдиган байрамларни икки жиҳатдан талқин қилади. Биринчиси, бутун халқ уюштирадиган оммавий тантаналар бўлса, иккинчиси – оилада ўтказиладиган маросимлар. Агар умумхалқ байрамлари мамлакат миқёсида амалга оширилса, оилавий маросимлар муайян ҳодиса муносабати билан ўтказиладиган йиғинлар кўринишига эга бўлади. Аввалгиси кўча, майдон, кенг далалардаги ўйин-кулгилар, томошалар, баъзан катта намойишлардан ташкил топади. Кейингиси эса битта оиланинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари иштирокидагина нишонланади.

Аини пайтда, юқориди айтилганлардан ташқари, бевосита алоҳида ҳудудда яшайдиган аҳолининг маросимларини ҳам қайд этиш мумкин. Хусусан, бу ўринда ёмғир чақириш, ёмғир тўхтатиш, шамол чақириш, шамол тўхтатиш, дарвешона каби маросимларни назарда тутиш мумкин. Аммо ўзбек халқи ҳаётида энг оммавий, энг доғруғи кенг тарқалган, миллатнинг тарихида машҳур ҳисобланган байрам – Наврўздир.

Наврўз инсон руҳияти, тана аъзоларидаги ўзгаришлар рўй берадиган пайтда нишонланади. У табиат ва инсоннинг бир бутун эканини таъкидлайди. Совуқ кунларнинг исий бошлаши, қор эриб кичик жилгаларга айланиши, лолақизғалдоқ, чучмомаларнинг очилиши, бодом, ўрик, шафтолиларнинг гулга бурканиши, бехос чакмоқ чақишлар, баҳор ёмғиридан кейин осмонга файз берувчи камалаклар – ҳаммаси она диёрда янгиланиш даври бошланганидан дарак беради. Бу янгиланиш ўз навбатида инсон қалбини жунбишга келтиради. Унинг атрофни кўришида, воқеа-ҳодисаларга баҳо беришида, оила аъзолари билан муомаласида ҳам ички янгиланиш жилланади. Ўғил ва қизларнинг руҳида балоғат белгилари ниш ура бошлайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам туркий тилда яратилган биринчи дoston муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб ийрик шеврий асарларида баҳорни мадҳ этувчи мисралар тўқишга қаратади.

«Қутаду билиг» дostonи аини Наврўз айёмида, яъни ҳар бир инсон руҳияти ва она табиатда янгиланиш рўй бераётган дамларда ёзилганига ишонч келтиради. Чунки ҳаётдаги бевосита турли гул-чечаклар очилиб турганини кўрмай туриб манзарани бу қадар жозибали тасвирлаш мумкин эмас. Аини чоғда шоир атрофдаги қишнинг ҳайдалиши, дарахтларнинг келин-чак либосига бурканиши, бутун оламга хушбўй ҳидларнинг таралишини ўзининг вужудидида, қалбидаги эҳтиросларнинг уйғониши билан боғлаб ифодамоқда.

Янгиланиш ва эзгулик фасли тасвири, шубҳасиз, буюк Абдулла Қодирий эътиборидан ҳам четда қолиши мумкин эмас эди. Адиб баҳор фасли тароватини қахрамони Отабек руҳий ҳолатига қарама қарши қўйиш йўли билан ўқувчи қалбида кўшимча изтироблар пайдо қилишга эришади. Иккинчи хотинга уйланиш ташвишини Кулушга етказиш аламида кетаётган

Отабекнинг кўзига баҳор мўъжизалари мутлақо кўринмайди:

*«Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар; кўк-қизил, оқ-қора, сариқ-зангор, пушти-гўлас ва тагин алла қанча ранглик чечаклар билан устларини бежаб, қиши билан тўнгиб аранг етишкан ошмақларига Янги ҳаёт, Янги умид берадилар». Бу тасвир тафсилотидан ажралишни истамаган ёзувчи Наврўз лаҳзала-*

ғунлигини бундан ортиқ аниқ, изчил ифодалаш мумкинмикин.

Агар юртимизда саховатли ери-миз бизга инъом этувчи тўрт фасл ҳақида олимлар, шоирлар, билдирган таърифу тавсифларни тарозига солиб тортсак, шубҳасиз, баҳор фасли палласи оғир келади. Чунки унинг фазилатларини баҳолаш эраимиздан аввал бошланган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, жаҳон халқларининг ҳаммаси Янги йил деган тушунчани билади ва уни нишонлайди. Аммо бу байрам қаердадир декабрь, январь, февраль ойларига тўғри келади. Туркий халқларда, шу жумладан, ўзбекларда у 21 март кунини деб белгиланган. Агар бошқа юртларда Янги йил кутиш умуман табиатдаги сифат ўзгариши мулдатига риоя қилинмаган ҳолда амалга оширилса, бизда кўёш билан ер муносабатидаги баҳорги кун ва

Вақт – замонларнинг ўтиши, аждодлар ўрни авлодлар билан алмашиши оқибатида Наврўзни кутиб олиш, ўтказиш, нишонлаш қонун-қоидалари одат кўринишида шаклланди. Бу қоидаларда муайян ўзгаришлар ҳам бўлиб турди. Масалан, байрам гул фасли бошланишдан мева туғиш вақтигача давом этди. Байрамни мамлакатдаги барча аҳоли қатламлари алоҳида-алоҳида нишонлаган пайтлар бўлган.

Наврўз кунини одамлар бир-бирларига яхши ниятлар билдиришидан. Зардуштийлар динида олиий мансабдаги руҳоний – мубад шоҳга аждодлар, ота-боболар қадриятларига амал қилиш, одил ва ҳаққўй бўлиш, юртни ҳамоя қилиш, адолатли фармонлар чиқариш, узоқ умр кўриш ҳақида нутқ сўзлаган. Кейинчалик бундай тилаклар олдий аҳоли ўртасида билдирилади-

тилган. Кўпинча, байрам баҳонаси билан қонли урушларга барҳам берилган. Оилалардаги низолар чекланган. Одат бўйича келишмовчилик сабабчиларидан бўлган ёшлар байрам кунини ёши улуғларга салом беришган. Катталар алик олишган. Шу йўл билан оиладаги низо иштирокчилари муросага келган. Бу анъанага бўйсунмаган тараф хоҳ ёш, хоҳ катта бўлсин, бутун маҳалла ва қариндош-уруғларнинг нафратига учраган. Оқибатда оиланинг ҳар бир аъзоси ўз муомала чегарасини ўйлаб белгилашга одатланган. Ана шунинг учун ҳам Наврўз байрами фақат янгиланиш, умид билдириш эмас, эзгулик, тинчлик маросими сифатида ҳам қадрланган.

Афсуски, собиқ тузум даврида Наврўз байрамига қарши кескин кураш эълон қилинган эди. Маҳалла, туман, шаҳар аҳолисининг аждодлар қадриятларига садоқат билдириши тузум раҳбарларига ёқмаган. Наврўз байрамига диний либос бичишиб, ҳар қадамда унга қарши ҳаракатлар амалга оширилди. Утган асрнинг 50-60-йилларида устозларимиз Ҳоди Зарифов ва Солиҳ Қосимов бир неча ҳаммаслак зиёлилар билан Наврўзни ҳамоя қилиб чиқишди. Унинг тарихи, нишонланиш тартибларини тушунтиришга уринишди. Бу ҳаракатлар халқ орасида байрам тарафдорларини кўпайтирди, аммо собиқ давлат раҳбарлари кўнглини илтимади. Охир-оқибат 1986 йилда Наврўз байрами ҳукуматнинг махсус қарори билан тақиқланди. Бу қарор собиқ тузум сиёсатининг моҳиятини яна бир қара ўзбек халқиға намоён қилди.

Одатда Наврўз байрами билан «Алпомиш» дostonини ўзбек халқининг кўш қанотиға қийслашади. Халқ бошига сиёсий ташвиш тушганида бу икки қадрият ҳам қататонга учради. Шунинг учун 1989 йилда Ўзбекистон раҳбари дадил туриб, Наврўз байрамини нишонлашга руҳсат берганда, миллий зиёлилар юртимиз ҳаётида ҳам кескин ижобий ўзгариш рўй беришини ҳис эта бошлади. 1990 йилда эса бу ишонч яна ҳам мустақамланди. 1991 йилда Тошкент шаҳрининг ҳозирги Мустақиллик хиёбонида, Беш-ёғоч, Ҳадра майдонларида байрам кунини томошалар уюштирилди. Халққа ҳалим, сумалаклар тарқатилди. Созанда, хонанда, полвонлар ўз маҳоратларини намойиш қилди. Бундай қувончли тadbирлар юртимизнинг ҳамма вилоят ва туманларида ҳам амалга оширилди.

Холис айтадиган бўлсак, ўзбек халқи 1991 йил 21 март кунини яқин ўз йил давомида биринчи марта оиласи, яқин дўстлари билан биринчи марта очик юз, кўтаринки руҳ, ички хоҳиш билан кўчага чиқиб, аждодларимиз руҳини шод қилди. Мана шу шодлик онларига ҳам йигирма тўрт йил бўлапти. Бугунги кунда Наврўз Ўзбекистонни бутун дунёга танитган ташриф варақасига айланди. Бизнинг Наврўзимизни ҳар йили элликлдан ортиқ давлатлар телеэкран орқали томоша қилмоқда. Наврўз ҳақиқий маънода янгиланиш ва эзгулик тимсолига айланди.

Бир сўз билан айтганда, агар «Алпомиш» дostonи ва Наврўзни халқимизнинг кўш қаноти, деб билсак, уларни ҳаракатга келтирувчи қувват юрагини давлатимиз ва унинг раҳбари дея ҳисоблаш адолатдан бўлур эди. Зеро, Юртбошимизнинг дадил саъй-ҳаракатлари эвазига миллатимизнинг бу икки қадриятлари бугунги кунда асл моҳиятини, эъзозини топти.

**Омонулла МАДАЕВ,  
доцент.**

# НАВРЎЗ — ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ



рини яқин икки саҳифа давомида китобхонга изҳор қилади. Ана шундай гўзал бир табиат кучоғида тўсатдан қўш ҳайдаб юрган йигитнинг «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» деган ашуласи эшитилади. Натижада табиат манзараси ва Отабек ташвиши бизга «Бу ҳаёт!» деб жаранглаган шиорни маълум қилади. Унда қувонч ва ташвиш ёнма-ён келаверади...

Сўз санъаткорларининг қалби биз – олдий одамларникидан анча нозик бўлади. Улар она юртимиз файзини биздан кўра аниқроқ ҳис қиладилар. Натижада сатрларда битилган сўзлар Ватанимиз даъватининг таржимасига айланади. Наврўз айёмининг янгиланиш, умид қилиш ва эзгулик тимсоли экани ҳақидаги Чўлпон ноласига қулоқ тутайлик:

*Кўклам ойнинг ипак кўйлак  
этақлари судралиб,  
Қора ернинг бошларини  
силлаб-сийлаб келади.  
У силашдан, у сийлашдан  
қувват олиб, куч олиб,  
Қора ер ҳам кўксиди  
олтинларни беради.  
Кўклам билан юртимга ҳам  
бир кўқариш келсайди,  
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек  
кўклам ҳиди берсайди,  
Дилларга ҳам ҳаволардек  
кўклам руҳи кирсайди!*

Она табиат, юрт – Ватан ва унда яшаётган фарзанд руҳий уй-

ган тилакларга айланган. Бу кунда имконият борича яхши нарсаларни: табиатдаги гуллаган мевали дарахтларни, хушбичим кийимларни, қимматбаҳо тақинчоқларни кўпроқ кўришга ҳаракат қилишган. Шунда йил бўйи қувончда юриш насиб этади, деб тушунишган.

Арпа экилган далаларнинг ариқларидан оқиб ўтган сувдан ичишган. Бундай сув арпанинг илдизидан ўтгани учун инсон танасидаги дардлардан халос этишини назарда тутишган. Улар арпанинг даволаш хусусиятига эга эканини яхши билган. Умар Ҳайём «Наврўзнама» асарига олтин, узук, арпа, қилич, ўқ ва ёй, қалам, от, лочин фазилатларини ўнлаб ҳикоятлар билан изоҳлаб баён қилади. Рубойиларида эса бу байрамдан баҳра олиб қолиш кераклигини таъкидлаган:

*Гул узра кўкламнинг  
шабнами яхши,  
Чаманда юз очган  
ҳамдами яхши.  
Яхшимас кечаги кундан  
сўз очмоқ,  
Қувнаб қол, бу куннинг  
ҳар дами яхши.*

Давр ва замонлар ўтиши билан Наврўз байрамидаги тартиблар ҳам ўзгариб, янгиланиб борган. Хусусан, қадимги китобларда қайд этилишича, Наврўз кунини етти хил дондан егулик тайёрланган. Арпа, буғдой, гуруч, ловия, мош, нўхот, маккажўҳоридан тайёрланган таомлар билан байрам дастурхонлари безатилган. Исмамоқ, жағжағ, ялпиз, бебадан тайёрланган пишириқлар тансиқ ҳисобланган.

Байрам кунини ота-боболарнинг мазорларини, узоқ вақт дардга чалинган беморларни, қариндош-уруғи йўқ қарибларни зиёрат қилишган. Боғлар ва манзарали жойларда дорлар, курашлар, масхарабозликлар, томошалар, концертлар бўлиб ўтган. Ёшлар дарё сайилларига чиқишган. Юртимиздаги диярилик ҳамма ҳудудларда дарвешона дастурхонлари уюштирилган. Иқтисодий қийин аҳволда қолган оилаларга овқатлар тарқатилган, пул ёрдамлари берилган. Хонанонларда сумалаклар пиширилган. Маҳалла марказларида сахий одамлар иштироки билан ҳалимлар тайёрланган. Хонликлар ва бекликлар ўртасидаги урушлар тўхта-

## Мутахассис фикри

*Бугунги кунда касбий танлов ўтказишда психологик жиҳатлар муҳим амалий аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида муайян касб танлаш истагини билдирган фуқаролар шу вазифани бажариш учун зарур бўладиган хислатларга эга эканлигини тест ва сўровномалар, аппаратли услублар асосида ўрганиб, номзоднинг руҳий-иродавий ҳолатларини, қизиқиш ҳамда истақларини аниқлашга қаратилгандир. Касбни эгаллаш соҳавий билим, кўникма ва маҳоратларни эгаллаганлик даражаси билан белгиланади.*

Ички ишлар идоралари тизимида психологик танловни ўтказишдан мақсад номзоднинг касбийлашувнинг биринчи босқичида касбий фаолият самардорлигини таъминлашдан иборатдир. Ушбу соҳада касбий-психологик танловни амалга оширишда ходим шахсининг ўз хизмат бурчлари доирасида турли йўналишларда фаолият олиб боришини ҳисобга олиш керак. Унинг касбга яроқчилигини белгилаб берувчи психологик хусусиятларни инobatга олиш касбий фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур хусусиятлар жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, юз берган жиноятларни фош этиш, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда саросима ва ваҳимага йўл қўймаслик ҳамда стратегик аҳамиятга молик иншоотларни ҳимоя қилиш каби фаолиятни амалга оширишда намоён бўлади. Шу маънода, ходимда муҳим касбий фазилатларни шакллантириш, бирон-бир лавозимга тайинлашда психологик методлар ёрдамида унинг шахсини ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ички ишлар идоралари тизими учун фуқаролар орасидан индивидуал психологик хусусиятлари жиҳатидан лойиқ номзодларни танлаб олиб, уларга таълим-тарбия бериш зарур вазифа ҳисобланади. Бу тизим фаолиятининг самардорлигини янада ошириш имконини беради.

Шу ўринда «Хўш, ички ишлар идораси ходими қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ушбу соҳа вакили мустақам иродали, руҳий тетик, ўткир зеҳдли, кузатувчан, низоли вазиятларда ўзини тута оладиган, огир-босиқ бўлиши лозим. Ундан фуқаролар ишончини қозона олиш, инсоннинг ички кечинмаларини ҳис этиш ва баҳолаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила билиш, ростгўйлик, нотиклик талаб этилади. Бундан ташқари, зиддиятли

вазиятларда тўғри хулоса чиқариш, ўзининг билими ва жисмоний кучига холис баҳо бериш, диққатини тўғри тақсимлай олиш, турли хавф ва таҳдидларга руҳан тайёр туриш каби ижтимоий-психологик сифатларга ҳам эга бўлиши зарур.

Мазкур психологик таснифдан кўришиб турибдики, ИИВнинг турли соҳавий хизматларига номзод танлашда унинг бажарадиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда психологик усулларни қўллаш тавсия этилади. Гарчи мақсад жиҳатидан ходимларнинг бажариладиган вазифалари бир-бирига ўхшамаса-да, лекин уларни бирлаштирувчи ягона мақсад — бу жиноятчиликка қарши курашиш. Ходимлар фаолиятининг муваффақияти самарали хизмат қилиш мотиви билан боғлиқдир. Шу боис касбга йўналтириш ва касбий танлов ўтказиш давомида қуйидаги барқарор ижобий мотивларни инobatга олиш тавсия этилади:

**Биринчидан**, ички ишлар идоралари фаолиятини тавсифлашда унинг қизиқарли ва ижодий жиҳатларини кўрсатиш.

**Иккинчидан**, ходимларда таълим-тарбия жараёнида бурчга садоқат ва ўз касбидан фахрланиш туйғуларини шакллантириш.

**Учинчидан**, ходимларнинг хизмат фаолияти давомида поғонама-поғона ўсиши, касбий қобилияти, лаёқати ва хизматининг келажагига доир далиллар асосида уларда ижобий ҳис-туйғулар, ўзига ишонч ҳосил қилдириш.

**Тўртинчидан**, хизмат жамоаларида ижобий психологик муҳитни яратиш. Ўз навбатида мазкур мотивация шахсий таркибнинг ўз хизмат вазифасига бўлган муносабатининг ижобийлигини таъминлаш кафолати ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари олдида турган вазифалар мажмуасининг институционал таҳлилини амалга оширадиган бўлсак, бунда полифункционалликнинг амал қилишини кузатишимиз мумкин. Бунда махсус вазифаларни бажарувчи алоҳида гуруҳ ходимларини ажратиб олишимиз мумкин. Масалан, тезкор ходимнинг касбий фаолияти патруль-пост хизмати ходиминикидан кўлами кенглиги, конспиративлиги, мураккаблиги, фавқулодда вазиятлар, но-стандарт ҳаракатларнинг, ақлий ва жисмоний зўриқишларнинг кўплиги каби жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу ўз навбатида ном-

► **ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятли эканлигини ҳис этиш;**

► **турли психологик типларга ва касб соҳаларига мансуб инсонлар билан мулоқотга кириша олиш;**

► **кучли ҳиссий-иродавий чидамлилиқ (яъни, 7 кунлик иш ҳафтаси, 10-12 соатли иш вақти давомида ишчанликни йўқотмаслик);**

► **турли ролларга кира олиш.**

Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, кишида намоён бўладиган тажовузкорлик, ички ва ташқи омилларга таъсирчанлик, юқори даражада ҳиссийларга берилиш, тормозланиш каби синдромларнинг мав-

ни, касбга қизиқиши ва ундан кўзлаган мақсадини, ҳаётий мақсадларини, муваффақиятга эришиш мотивларини махсус психодиагностик усуллар, сўровномалар асосида тизимли ўрганиш, ҳар бир ходим учун психологик харита тайёрлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Психологик харита ходимнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида туриши навбатдаги унвон ёки лавозимга тайинлаш давомида ундаги индивидуал-психологик хусусиятлар ва маълумотлардан, аттестация комиссияси, юқори раҳбарлар учун ходим ҳақида маълумотлар доирасида фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун ҳар бир психологик ўрганиш натижаси мазкур харитада қайд этилиши лозим. Чунки ходимни ўрганиш, бирон-бир лавозимга тайинлашда унинг психологик қиёфасини билиш зарур.

Ҳар бир ходимнинг психологик портрети тайёрланса, бу ўз навбатида унинг ўзи, оила аъзолари билан ишлаш жараёнини энгиллаштиради. Қолаверса, ходимнинг шахсий ва касбий ўсиш динамикаси илмий асосда белгилаб олинади. Уни лавозимга тайинлашда янги вазифани бажара олиши ёки бажара олмаслиги, касбий яроқчилиги ҳамда лаёқати аниқланади. Бу эса ходимнинг шахси ва касбий лаёқатига оид турли субъектив (бўрттирилган, пасайтирилган, исботланмаган) маълумотлар вужудга келмаслигини таъминлайди. Бундан ташқари, унинг хизматга оид ва шахсий муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, амалий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни кўрсатиб ўтишимиз лозимки, ички ишлар идораларида номзодларнинг психологик танловини амалга оширишда уларнинг мотивацияси, қизиқишлари, қадриятлари, ҳиссий ва индивидуал хусусиятларини, интеллект, ақлий қобилият даражасини, маълум бир ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган умумий ва махсус қобилиятларини, у ёки бу фаолиятда муваффақиятга эришиш даражасини аниқлашга қаратилган тестлардан касбий психологик танлов олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мақсадли фойдаланиш ижобий натижалар беради деб ҳисоблаймиз.

**Рустам ДУШАНОВ,**  
ИИВ Академияси  
психология ва касб этикаси  
кафедраси бошлигининг  
ўринбосари,  
доцент,  
подполковник.

# КАСБИЙ ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

зоднинг касбий яроқчилигини баҳолашда унинг қуйидаги психологик хусусиятларини инobatга олиш зарурлигини кўрсатади:

**Именик хусусиятлар** — хотира ҳажми, эслаб қолиш суръати, ўзлаштирилган материалларнинг мустақамлиги, ахборотни аниқ ва тез қайта тиклаш. Бунда касбий хотира, тезкор хотира каби-ларни ҳисобга олиш лозим.

**Имажитив хусусиятлар** бевосита тасаввур кўлами миқёсида турли объектлар, сиймоларни белгилари асосида ажрата олишда намоён бўлади.

**Тафаккур хусусиятлари** умумий ва махсус интеллектларнинг кўрсаткичида ифодаланиб, хизмат вазифаларини бажаришда, фавқулодда ҳолатларда қонун доирасида иш кўришда намоён бўлади.

**Аттенцион хусусиятларга** диққатни ажратиш, йўналтириш қобилияти, ҳажми, барқарорлиги, тақсимланиши ва кўчиши каби-лар тааллуқли бўлиб, ходимнинг хизмат фаолияти самардорлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар идораси ходими ўз хизмат вазифаларини талаб даражасида бажариши учун қуйидаги касбий қобилият, кўникма, малака ва маҳоратларга эга бўлиши керак:

► **ўз ҳаёти ва фаолияти учун хавфли бўлган вазиятларда хизмат вазифаларини тўғри бажара олиш;**

► **жиноятчиликка қарши курашиш учун ҳам руҳий, ҳам жисмоний тайёргарликка эга бўлиш;**

жудлиги касбга нолайиқликнинг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, биринчи навбатда юқоридаги психологик сифат ва касбий маҳоратлар мажмуаси асосида ички ишлар идоралари ходимларининг фаолият соҳасининг психологик таснифини инobatга олган ҳолда касбий профессиограммалар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, соҳавий хизматнинг психологик жиҳатларини назарда тутган ҳолда тизим ходимларининг муҳим касбий сифатларини аниқлаш учун психологик методлар ва аппаратли услубларни белгилаб олиш лозим. Шунингдек, хизмат соҳаларининг психологик таснифи асосида идеал ходимнинг психологик портретини тайёрлаш талаб этилади.

Бу вазифаларни бажариш учун ички ишлар идорасининг институционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда «Ички ишлар идоралари учун ходимларни тайёрлаш концепцияси»ни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Ички ишлар идоралари учун номзодларни танлашнинг назарий моделини ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида фуқароларни касбга йўналтириш учун психологик танлов ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатдан долзарблигини, ижтимоий аҳамиятли эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунинг учун ички ишлар идоралари учун номзодларни танлашда уларнинг касб танлаш мотиви-

**Гиёҳвандлик – аср вабоси**

# ОҒУ ДЕБ ОҲ ЧЕККАНЛАР

**Охир-оқибатда инсон умрини хазон қилувчи энг даҳшатли ва жирканч иллатлардан бири гиёҳвандликдир. Бугунги кунда «аср вабоси» деб аталмиш ушбу иллат терроризм ва ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.**

Хаётий кузатишлари-миздан маълумки, гиёҳвандлик жамиятга ҳам, гиёҳвандларнинг ўзига ҳам катта иқтисодий ҳамда маънавий зарар етказиши. Заҳри қотилни истеъмом қилувчиларнинг иммунитет тизими пасайиб, турли юқумли касалликларга тез чалинувчан бўлиб қолади. Улардан майиб-мажруҳ гўдаклар туғилади. Гиёҳвандлик инсонни ўз измига бўйсундириб, ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик ва ҳатто қотиллик каби оғир жиноятлар сари бошлаши ҳеч кимга сир эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи айнан гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келар экан.

Сир эмаски, Марказий Осиё, қолаверса бутун дунё бўйлаб тарқалаётган гиёҳвандлик воситаларининг жуда катта қисми республикамизга кўшни бўлган Афғонистонда етиштирилмоқда. Заҳри қотил савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўзларининг фарзали мақсадларини амалга оширишда мамлакатимизга чегарадош ҳудудлардаги айлана йўллардан устомонлик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Шу боисдан мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб, мамлакатимизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашни кучайтириш, ҳамюртларимиз, хусусан ёшларимиз «оқ ажал» домига тушиб


қолишининг олдини олиш борасида давлатимиз томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Айни кунларда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, содир бўлганларини фош этиш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ҳар йилги анъанага мувофиқ бу йил ҳам 1 февралдан 1 мартга қадар «Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги» ўтказилди.

Мазкур ойлик доирасида ички ишлар органлари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида республикамиз мактаб, академик лицей ва касбхона коллежларида, шунингдек олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Ушбу тадбирлар чоғида гиёҳвандлик домига тушиб қолишнинг салбий оқибатлари тушунтирилди, бу иллатнинг олдини олиш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган кўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан айрим кимсалар мўмай даромад орттириш мақсадида гиёҳвандлик моддалари олди-соттиси билан шуғулланиб, кўплаб одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига зомин бўлмоқдалар. Жумладан, самарқандлик А. Тўйчиев илгари ҳам гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланганлиги учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди,

ҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди томонидан кўриб чиқилиб, А. Тўйчиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбли деб топилиб, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилди.



суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. У панжара ортида беш йил ўтиргач, амнистия туфайли озод этилди. Аммо давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатидан тегишли хулоса чиқармади. Ишламай мўмай даромад орттириш, тезроқ бойиб кетиш, бошқалардан кўра яхшироқ яшаш мақсадида яна жиноятга қўл урди.

Ўтган йилнинг 19 ноябрида у икки килограмм опий гиёҳвандлик моддасини хоразмлик Матниёз исмли шахсга 30 миллион сўмга сотаётган пайтида ҳуқуқни му-

Афсуски, наркотик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолатлар 2015 йилда ҳам учраб турибди. Масалан, шу йилнинг 10 февраль куни Андижон вилоятида ўтказилган тадбирлар натижасида Тожик қишлоғида яшовчи 18 ёшли йигитча 4,95 грамм наша гиёҳвандлик моддасини 150 минг сўмга сотаётган пайтида қўлга олинди. Унинг ҳовлисидаги омборхона ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, яна бир килограмму 13 грамм миқдорда заҳри қотил яшириб қўйилгани аниқланди.

Ёшларни ёш десак, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўриб улгурган, бошқаларни ножўя йўллардан қайтариши лозим бўлган айрим кекса кишиларнинг ҳам бу жирканч жиноятга қўл уриши ташвишланарли ҳолдир. Жорий йилнинг 11 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида ўтказилган тадбирлар чоғида «Дамкўл» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 60 ёшли фуқаро 32,7 грамм гиёҳвандлик моддасини 300 минг сўмга сотаётган пайтида қўлга олинди. Унинг уйи кўздан кечирилганида, яна бир килограммдан зиёдроқ наша ашёвий далил сифатида олинди. Жиноят содир этган ҳар бир шахс, ким бўлишидан қатъи назар, қилмишига яраша жазо олади, албатта.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кўшни мамлакатлардан олиб келинган гиёҳвандлик воситаларининг республикамизда тарқалишига сабабчи бўлаётган бу кимсалар осон йўл билан бойишни ўйлаётдилар-у, аммо ўзлари сотган заҳри қотил неча-неча кишиларнинг умрига зомин бўлиши, у туфайли қанчадан-қанча майиб-мажруҳ болалар дунёга келишини асло ўйлаб кўрмаётдилар.

Миллий қонунчилигимизда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, тайёрлаш ва

ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни содир этганлик учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб 5 йилдан 20 йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Демак, 25-30 ёшида бундай жиноятга қўл урган ёш йигитлар тайинланган жазо муддатини ўтаб қайтишганда 45-50 ёшли эркакка айланган бўлишилади. Бу эса инсон умрининг энг гуллаган ёшлик даври шамолга совурилди, зое кетди дегани. Умрининг қолган қисми эса афсус-надоматлару ва пушаймонликда ўтади.

Хуллас, гиёҳвандлик иллатига йўлиққанлар бир лаҳзалик кайфу сифони деб гулдай умрини хазон қилишади. Гиёҳфурушликни касб қилиб олганлар эса ўзини ўзи қамоққа тикқан бўлади. Шу боис биринчи галда ўсиб келаятган ёш авлодни бундай охири тубсиз жарлик бўлган йўллардан қайтариш ҳар бир соғлом фикрли юртдошимиз, айниқса кенг жамоатчилик вакиллари учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Тўғри йўлдан адашиб, аро йўлда юрганларга эса айтар сўзимиз шу: «Ҳалиям кеч эмас, кўзингизни очинг! Эсингиз борида этагингизни йиғиштириб олинг! Огоҳ бўлинг, оғу деб оҳ чекиб қолманг!»

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**  
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник.

**Саломатлик сабоқлари**

## ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШГА ОДАТЛАНИНГ

Ўзига хос мураккаб тузилишга эга бўлган ошқозон овқатни аралаштиради, ҳазм қиладди ва химиявий ўзгартириб ичакка узатади. Шу боисдан бу аъзо халқ орасида ошқозон деб юритилади. Унинг соғломлиги организмнинг умумий саломатлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Ошқозон-ичак яраси касаллиги сурункали қайталанувчи бўлиб, кўпинча, 25-50 ёшли эркакларда учрайди ва шиллик қаватнинг зарарланиши билан кечади. Ушбу касаллик мавсумийдир. Асосан баҳор ва куз мавсумида қайталаниб туради.

Касаллик келиб чиқишига нотўғри, тартибсиз овқатланиш, қийин ҳазм бўладиган, ёғли, аччиқ-шўр, ўта иссиқ ёки совуқ таомлар истеъмом қилиш, кучли ҳаяжонланиш, асабийлашиш, чекиш, спиртли ичимликлар қабул

қилиш сабаб бўлади. Бундан ташқари, ирсий мойиллик ва бактериялар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ошқозон-ичак яраси касаллигининг асосий белгиси қорин соҳасидаги оғриқдир. Ошқозон ярасида оғриқ овқатдан 15-20 дақиқадан сўнг, 12 бармоқли ичак ярасида эса 1,5-2 соатдан сўнг пайдо бўлади. Бундан ташқари беморларда кўнгил айнаши, жиғилдон қайнаши, кекириш, ич қотиши ва бошқа белгилар ҳам бўлиши мумкин.

Унга қарши энг асосий ва тўғри даво – бу парҳездир. Парҳез қилиш, овқатланиш тартибини сақлаш, чекмаслик, спиртли ичимликлар ичмаслик, асаб тизимини толиқтирмаслик, шулар жумласидандир. Бемор бир кунда 5-6 марта оз-оздан овқатланиши керак.

Овқат таркиби ёғсиз юмшоқ, қайнатилган, буғда пишган, дамлама таомлар, ҳўл мева-сабзавот витаминларга ва оксил моддаларга бой бўлиши керак. Шошилмасдан овқатланиш, овқатни обдон чайнаш, зарарли одатлардан воз кечиш сингари талабларга одатланиш зарур. Кўча овқатлари, айниқса «фаст-фуд»лардан ўзини тийиш ва вақтида шифокорга мурожаат қилиш муҳимдир.

Овқатлангач ўзингизни яхши ҳис қилмасангиз, ҳатто бу ноқулайлик жиддий безовталиққа олиб келмасида, шифокор кўригидан ўтинг. Агар касаллик вақтида аниқланиб, даволанмаса, ички қон кетиш ошқозон саратони каби хавфли асоратлар келиб чиқиши мумкин.

Тўғри овқатланиш саломатликни сақлашда энг яхши омиллардан би-



ридир. Шунинг учун ҳар бир киши юқорида таъкидланганларга қатъий риоя этсагина ҳеч қандай хасталиқ уни безовта қилмайди. Шу боис, унутманг, соғлигингизни асраб-авайлаш аввало, ўз қўлингиздадир.

**М. МИРХОДЖАЕВА,**  
ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғи ўринбосари, подполковник.

## Жиноятга жазо муқаррар

Тан олиб айтиш керак, айна пайтда маҳалларда оёйишталикни таъминлаш, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга профилактика инспекторлари қатори «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Айна уларнинг кечаю кундуз фидойилик билан фаолият кўрсатишлари натижасида аҳоли фаровонлиги янада ортаёпти. Афсуски, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, улар орасида ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўётган, масъулиятли вазифасидан тамагириклик мақсадида фойдаланадиган посбонлар ҳам учраб турибди.

Бир куни Термиз шаҳрида Яшовчи Н. Зумраднинг хонадонига маҳаллий ҳокимият вакиллари ташриф буюрди. Уларнинг муддаоси фуқарони уйи олдида ноқонуний қурилган гараж ва қўшимча бинолар тез кунда бузилишидан огоҳлантириш эди. Бу гапдан кейин фуқаро Н. Зумраднинг ҳаловати бузилди. Аёл нима қилишни билмай юрганида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари С. Туробга (исм-шарифлар ўзгартирилган) дуч келиб қолди.

— Ҳа, опа, тинчликми? Хафа кўринасиз? — дея ҳол-аҳвол сўради посбон.

— Э, Туробжон, ҳокимиятдан вакиллар келиб огоҳлантириб кетишди. Гаражим бузилар экан.

— Опа, шу ҳам муаммоми? Шаҳар ҳокимиятида танишим ишлайди, бир оғиз айтсам гаражингни буздирмайди.

— Ростданми? Қанийди, шундай бўлса, — алқай бошлади Н. Зумрад гами ариётгандек.

— Фақат бунинг бироз харажати бор. Сиз бошқача ўйламанг яна. Танишимни бирор кафега чақириб, ётиги билан тушунтираман.

— Йўқ-йўқ, бошқача ўйлаганим йўқ. Қанча бўлади? Ишимни ҳал қилсангиз бўлгани.

— От билан туя бўлармиди, опа...

Айтилган пулни олган посбон уни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди. Орадан икки кун ўтиб, ҳокимият вакиллари пайдо бўлди. Яна бир бор аҳолини огоҳлан-

гаражингни бузишмайди дегандингиз?! Бўёғи қандоқ бўлди?! — деди аёл.

— Менга ваъда берганди-ку, нега бузишди экан? — деди С. Туроб ўзини бўлаётган ишларга таажжубланаётгандек қилиб кўрсатиб.

— Тезда ўша танишингизга кўнгирак қилинг. Бўлмаса, ҳозир бориб ҳокимият вакиллари билан ўзингиз гаплашинг.

кўриб, бироздан кейин тугмани босди.

— Ассалому алайкум, келин. Маҳалла посбони Туроб акангиз бўламан.

— Ассалому алайкум, Туроб ака! Эшитаман, тинчликми?

— Келин, ҳозир маҳалла фуқаролар йиғинида ишламайдиган оналарга бола парваришлар учун нафақа тайинлаш масаласи кўрилатгани. Ўрганиб чи-

си ва бошқа фаоллар ҳайрон қолишди. Барча гапдан воқиф бўлган оқсоқол «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари С. Туробни чақириб, ҳолатга изоҳ сўрагани, у аёл тухмат қилаётганини, ундан ҳеч қанақа пул олганини таъкидлади.

Чув тушиб қолганини фаҳмлаган Б. Гулбахор шаҳар ИИБга бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаат асосида ўтказилган суриштирув натижасида С. Туробнинг барча қилмиши фош этилди.

— Суриштирув-тергов ишлари давомида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари С. Туроб фуқароларни алдаб, уларнинг ишончига кириб кўплаб тамагириклар қилгани ўз тасдиғини топди, — дейди Термиз шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, лейтенант Б. Исमतов. — Буни қарангки, у юқорида қайд этилган ишлардан ташқари, яна кўплаб фуқаролардан «маълумотнома ёзиб бераман», «вақтинча рўйхатга қўйдириб бераман», «суюнчи пули чиқариб бераман», дея кўп миқдорда пул олиб келгани ҳам маълум бўлди.

Суд қарори чиқди. Тамагирлик посбонга қилмишлари учун қонунларимизда белгиланган жазо тайинланди. Лекин кишини бир ўй мулоҳаза юритишга чорлайди. 2001 йилдан 2014 йилгача, қарийб 13 йил «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари бўлган С. Туроб энди маҳалла аҳлига қай кўз билан қараркин? Ёшларга панд-насихат қилиб, кўплаб уриш-жанжалларнинг олдини олган, уларни ҳам-жиҳатликка, эзгуликка чорлаб келган посбонни энди маҳалладошлари ким деб аташаркин? «Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга соладур» деб шунга айтсалар керак-да...

**Фозил МАМАШАРИПОВ.**  
Сурхондарё вилояти.

# ТАМАГИРИК ПОСБОНЛАР САРДОРИ



триб чиққач, улар ноқонуний қурилган барча биноларни бузишни бошлашди. Н. Зумрад «Менга индашмайди, гаплашиб қўйганман» деб ўтирганди, кутилмаганда унинг гаражи ҳам қулатилди. Бу ҳолга тушунмай ҳокимият вакиллари бақирди, таҳдид қилди. Лекин фойдаси бўлмади. У оёғини кўлига олиб, тўғри посбоннинг уйига чопди.

— Танишим бор, айтиб қўйсам

Н. Зумраднинг ноқонуний қурилган гаражи ҳам бошқалар қатори бузиб ташланди. Туроб на «таниши» билан гаплашди, на аёлдан олган пулни қайтарди...

Ўтган йилнинг бошларида ушбу шаҳарда яшовчи Б. Гулбахор кечки пайт уйда болалари билан ўтирганида унинг уяли телефони жириглаб қолди. У нотаниш рақамни

дик, анча қийналиб қолибсиз. Шунга сизни ҳам рўйхатга кириштиришни режалаштирдик.

— Раҳмат, Туроб ака, дунё тургунча туринг, болаларингизнинг роҳатини кўринг...

— Синглим, фақат бунинг озроқ харажати бор, — дея ўсмоқчилади посбон. — Тепадагиларни рози қилиш керак. Шунинг учун нафақа пулини оладиганлардан 200 минг сўмдан йиғиб олаемиз. Майли, сиз анча қийналиб юрибсиз, 180 минг сўм берақолинг.

— 180 минг... Мурод ака қачон беришим керак?

— Шу топда олиб келсангиз яхши бўларди-да. Маҳалла идорасида, ўз хонамда ўтирибман.

Бу гапни эшитган Б. Гулбахор шошганча маҳалла идорасига қараб югурди. Айтилган пулни унга қўшқўллаб топширди. Посбон эса: «Ана, бўлди, кейинги ойдан нафақа пулини олаверасиз», деди аёлга қараб. Хаш-паш дегунча посбон айтган кун ҳам келди. Б. Гулбахор маҳалла идорасига бориб, нафақа пулини олиш учун келганини билдирди. Бу гапни эшитиб, маҳалла раи-

**Болалар боғчасига неварасини ташлаб уйига қайтаётган Маҳмуда опанинг ортидан кимдир келиб оғзини кафти билан маҳкам ёпди. Мувозанатини йўқотган аёл бақирмоқчи бўлди, лекин овози чиқмади. Оғзини ёпган кўлни силтаб ташламоқчи бўлди, лекин кучи етмади. У кимса кўз очиб юмгунча аёлнинг қулоғидаги зирақларини ечиб олди. Маҳмуда опа ўзини ўнглаб қараса атрофда ҳеч ким йўқ, анча нарида бир йигит югурганича ғойиб бўлди.**

Бугунги «ови» ҳам бароридан келган Башир ҳеч нарса бўлмагандек йўлида давом этди. Кейин эски кўчанинг муюлишига бориб, ўлжасини пойлаган мушукдек пусиб ўтирди. Ана яна ўрта ёшлардаги бир аёл келяпти, қулоғида зираги бор. Ишқилиб, ортидан ҳеч ким келаётган бўлмасин. Аёл ўз хаёллари билан аста одимляпти. Башир унинг

## ЧИРЧИҚДАГИ ТАЛОНЧИ тезкор вакил томонидан қўлга олинди

ортидан тез бориб, одатдагидек оғзини ёпди. Аёл типирчилаб, қўлидаги сумкасини қаттиқ ушлаганча атрофдан нажот излади. Бу орада Башир унинг қулоғидаги зирагини тезда ечиб олди-да, кўздан ғойиб бўлди. Аёл оғриган қулоғини ушлаганча атрофга аланглади, лекин ҳеч ким кўринмади.

Баширнинг тузоғига бу гал бўйнига тилла занжир таққан аёл илинди. Лекин аёл жисмонан кучли бўлгани учун йигит билан олишди. Қочаётган эди шимидан ушлаб олди. Лекин йигит барибир йигитда, бир силтаниб аёлнинг қўлидан чиқиб қочди. У тилла занжирни ҳам олиб кетди.

Чирчиқ шаҳрида аёлларнинг тилла тақинчоқларини юлиб олиб қочиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Шаҳар ИИБ раҳбарияти ҳуқуқбузарликларнинг ол-



дини олиш ва жиноят қидирув хизматлари олди-га талончиликлар ким томонидан амалга оширилаётганини аниқлаб, айбдорни қўлга олиш вазифасини қўйди. 1-шаҳар милиция бўлими ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, майор Элмурод Абдурахмонов жиноят қайси пайтда ва қаерда содир эти-

лаётганини аниқлади, лекин талончини ушлолмади. У бир томонда кузатиб турганида, талончи бошқа томонда ўз ишини қилиб кетди.

— Айна байрам арафасида бир эмас, тўрт нафар аёлнинг қулоғидаги зираги ва бўйнидаги қимматбаҳо занжирлари юлиб кетилганлиги ҳақида ха-

бар олдиқ, — дейди Чирчиқ шаҳар 1-ШМБ бошлиғи, майор Б. Бахтиев. — Жабрланганлар билан суҳбат қилиб, йигитнинг кўриниши қандай эканлигини билиб бўлмади. Ниҳоят болалар боғчаси олдида талончи яна бир аёлнинг қулоғидаги зирагини юлиб кетаётганида бири киши уни кўриб қолади ва йигитнинг юз кўринишини тасвирлаб беради. Майор Э. Абдурахмонов гувоҳнинг кўрсатмалари асосида талончининг суратини чизади. Буни қарангки, жабрланган аёллардан бири расмга қараб, худди шу йигит эди дейди. Унинг исми Башир экани ва қаерда яшашини ҳам айтиб беради.

Энди изқувар олдида Баширни топиш ва қўлга олиш вазифаси турарди. Йигит аллақачон уйини ўзгартирган экан. Қўниқўшчилар анчадан буён бу

томонга келмай қўйган деб айтишди.

Талончи ички ишлар идоралари ходимлари изидан тушишганини сезганди. Шунинг учун ҳам анча эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилар, иложи борида кўчаларда кўринмасликка уринарди. Навбатдаги «ов»га чиққанида атрофни аниқ кўзатиб, Узоқдан келаётган аёл унинг диққатини тортди. Айниқса, бўйнидаги занжири ялтираб жилва қиларди. У атрофга яна бир марта аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди-да, тез-тез юриб аёлга етиб олди. Ортидан келаётган шарпадан ҳадиксираб ўгрилиб қараган аёлнинг оғзини ёпиб, бир қўли билан занжирни тортиқлади. Тилла занжирни юлиб олиб энди қочмоқчи бўлганида бирдан пайдо бўлган майор Элмурод Абдурахмонов унинг қўлига кишан солди. Шу тариқа бир неча аёлларни қақшатиб, тилла тақинчоқларини юлиб қочган талончи қўлга олинди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**  
Тошкент вилояти.

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт

# МУСОБАҚАЛАР ЯКУНИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан шахсий таркибнинг юқори жисмоний ва касбий тайёргарлигини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай тадбирлар орасида, айниқса, турли мусобақаларни ташкил этиш ва ғолиб жамоаларни аниқлаб уларни муносиб рағбатлантириш ходимларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтириб, жисмоний тайёргарлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ташкил этилаётган спорт мусобақаларидан кўзланган асосий мақсад – ходимларнинг жисмонан соғлом, бақувват ва руҳан тетик бўлишини таъминлашга қаратилган. Шу боисдан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ходимларнинг том маънодаги соғлом рақобат майдонида айланди дейиш мумкин.

Яқинда ИИБ Машқ марказида соҳавий хизматлар ва вазирлик таълим муассасалари ходимлари ўртасида ўтказилган навбатдаги кўпкураш, волейбол ва мини-футбол мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни республика ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Усмонов очиб, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда спортни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг ижобий натижаларини бераётгани, буни ёшларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори ўринларни кўлга киритаётганидан ҳам билиш мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Вазирлик тизимидаги мусобақаларнинг ҳам йилдан йилга савияси ошиб, буни қизғин кечаётган беллашувларда спортчиларнинг ғалабага бўлган иштиёқи юқори бўлаётганлиги ҳам тасдиқлаб турганини алоҳида эътироф этди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Анъанавий фудокан каратэ-до федерацияси ёш спортчиларининг кўргазмалари чиқишлари томошабинларнинг қизғин оққишига сазовор бўлди. Ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар етиб келди.

Республика ИИБ ШТБХ бўлим бошлиғи, подполковник Анвар Саримсоқов ғолиблар номини эълон қилди. Унга кўра, кўпкураш мусобақасида эркаклар ўртасида спорт тўсинида тортилиш баҳсида ИИБ Академияси жамоасидан **капитан Ренат Ражабов**, 3000 метрга югуриш бўйича ИИБ Ахборот марказидан **сержант Фазлиддин Юлдашев**, «Макаров» пистолетидан ўқ отишда ИИБ Академиясидан **катта лейтенант Сергей Гордеев**, «Калашников» автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича ИИБ ШТБХ вакили, капитан **Даврон Ҳайдаров**, стол теннисидан ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси вакили, **капитан Озод Насимов** ғолибликни кўлга киритди.

Аёллар ўртасида куч ишлатиш машқлари бўйича ИИБ



Моддий-техника таъминоти бошқармаси жамоасидан **сержант Нозимабону Саримсақова**, 1000 метрга югуриш ҳамда «Макаров» пистолетидан ўқ отишда ИИБ Академияси жамоасидан **сафдор Нилуфар Давлетова**, «Макаров» пистолетини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғишда ИИБ ЁХББдан **сержант Нодира Азимова**, стол теннисидан ИИБ ШТБХ жамоасидан **подполковник Гулбахор Амердинова** биринчи ўринга сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида ИИБ Академияси жамоаси биринчи, ИИБ ЖИЭББ вакиллари иккинчи, ИИБ ЁХББ спортчилари учинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Волейбол бўйича биринчи ўрин ИИБ ТОХТБЮ жамоасига насиб этди. Республика ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ва вазирлик ЖИЭББ спортчилари кейинги ўринларни эгаллашди.

Мини-футбол бўйича биринчи ўрин ИИБ Моддий-тех-

ника таъминоти бошқармаси спортчиларига насиб этди. ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги алоҳида милиция батальони ҳамда ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармаси футболчилари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

— Мусобақалар жуда шиддатли кечди, — дейди ИИБ Моддий-техника таъминоти жамоаси вакили, сафдор Мирҳамид Мирхайитов. — Жамоамизнинг ғолиб чиқишига ўз ҳиссамни қўшиб, билдирилган ишончни оқлаганимдан хурсандман. Албатта, ғолиблик инсонга ўзгача кайфият, руҳан тетиклик бахш этади...

Ғолиблар диплом, кўчма кубок ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилиниб, уларга эсдалик совғалари берилди.

**Нурмурод Жўраев**, подполковник.

**Шавкат ҚАҲҚОРОВ** олган суратлар.



## ▼ Мини-футбол

### КУЧЛИЛАР ДОИМО ҒОЛИБ

Нукус шаҳридаги 2-республика кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мини-футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Шаҳар ИИБ томонидан ташкиллаштирилган мазкур мусобақада ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари вакиллари билан иборат 10 та жамоа иштирок этди. Ҳар бир жамоанинг ғалабага бўлган интилиши ўйинларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

Мусобақанинг финал учрашувида Нукус шаҳар ИИБ терма жамоаси шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚБ спортчиларини мағлубиятга учратиб, бош совринни кўлга киритди. Учунчи ўрин Нукус шаҳар ИИБ 3-шаҳар милиция бўлими жамоаси вакилларига насиб этди. Бундан ташқари, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ўйинчи» сингари номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан кубок, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**А. ПАХРАТДИНОВ.**

Қорақалпоғистон Республикаси.



## ▼ Шахмат

Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ташаббуси билан шахмат бўйича мусобақа ўтказилди.

### ХОДИМЛАР ДОНА СУРДИ

Унда саккизта жамоадан таркиб топган шахматчилар ўзаро куч синашди. Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳслар натижасига кўра, Қизилтепа тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Сарвар Раҳимовга тенг келадиган рақиб топилмади. «Навоийазот» акциядорлик жамияти объект-

ланди. Жумладан, Хатирчи тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Шерзод Баҳронов «Энг ёш шахматчи», қўриқлаш бошқармаси аппарати жамоаси «Энг яхши жамоа», «Навоийазот» АЖ объектларини қўриқлаш бўйича алоҳида милиция батальони милиционери, сафдор Улуғбек Худойку-



ларини қўриқлаш бўйича алоҳида милиция батальони милиционери, сафдор Элмурод Бўронов иккинчи, қўриқлаш бошқармаси молия-иқтисод бўлими ҳисобчиси, кичик сержант Жўрабек Муродов учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, мусобақада турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқ-

лов «Энг тезкор шахматчи», деб топилди.

Ғолиблар ва фаол шахматчиларга вилоят ИИБ Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Отабек РЎЗИЕВ**, капитан.

Навоий вилояти.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

## ▼ Волейбол

### КУРАШЛАРГА БОЙ БЕЛЛАШУВ



Сурхондарё вилояти ички ишлар идораларида шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида турли спорт мусобақаларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Яқинда бўлиб ўтган волейбол мусобақасида бошқарма ва унинг қуйи тизими ходимларидан иборат бир неча жамоа ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Қизгин беллашувларга бой бўлган мусобақада вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони терма жамоаси жисмоний жиҳатдан устунлигини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси волейболчилари иккинчи, Бойсун тумани ИИБ спортчилари эса учинчи ўринни кўлга киритди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шухрат ҚЎЧҚОРОВ**, подполковник.

Сурхондарё вилояти.



## Истеъфодаги полковник Виталий Григорьевич ШУЛЬМАН

**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Виталий Григорьевич Шульман 97 ёшида вафот этди.**

Виталий Шульман 1918 йилда туғилган. Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1940 йилда тармоқ милиция бўлинмасида оддий милиционерликдан бошлади. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этди.

Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ милиция бўлинмасида тезкор вакил лавозимида хизмат қилганида ўзини ташаббускор ходим, иқтидорли изкувар сифатида намоён этди. Қисқа вақт ичида ҳамкасблари ва раҳбариятнинг хурматини қозонди. Масъулиятли, интизомли, чуқур билимли эканлиги, ишга ижодий ёндашиши ва раҳбарлик лаёқати ҳисобга олиниб, у тез орада тармоқ милиция бўлинмаси бошлиғи этиб тайинланди.

1956–1964 йилларда Андижон шаҳар ИИБга бошчилик қилган кезлари Виталий Григорьевич тажрибали ва

қобилиятли раҳбар эканлигини кўрсатиш билан бир қаторда кўплаб ходимларга устозлик ҳам қилди. Уларга ўзининг бой амалий тажрибасини ва маҳорат сирларини ўргатди.

Узоқ йиллар В. Шульман республика ИИБ штабида фаолият кўрсатди. Ташкилий-инспекторлик бўлимида бўлинма бошлиғининг ўринбосари, бўлинма бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Кейинроқ назорат инспекцияси бошлиғи, республика ИИБ штаби бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди.

Виталий Шульманнинг кўп йиллик самарали хизмат фаолияти республика ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб равишда баҳоланди.

Меҳрибон ва ғамхўр мураббий, садоқатли дўст, ташаббускор раҳбар, истеъфодаги полковник Виталий Шульманнинг ёрқин хотираси қалбларимизда яшайди. Марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

### Топқирлигинизни синаб кўринг

## МАНТИҚИЙ БОШҚОТИРМАЛАР

Ушбу рақамлар орасида «+», «х» ва «-» ишораларини шундай жойлаштирингки, натижа тўғри чиқсин: 6 5 4 3 2 = 1

**Жавоб:** 6+5-4x3+2=1

\*\*\*

Тошмат саватга бир қанча олма солиб, уйига олиб келди. Биринчи куни саватдаги олмаларнинг учдан бир қисмини паққос туширди. Эртаси куни қолган олмаларнинг ярмини еди. Учинчи куни қараса, саватда бор-йўғи иккита олма қолибди. Айтинг-чи, жами олмалар неча бўлган?

**Жавоб:** 6

\*\*\*

Икки хил қурилма бор. Иккаласи ҳам бир хил вазифани бажаради. Улардан бири ниҳоятда мураккаб тузилишга эга, кўплаб ҳаракатланувчи механизмлардан иборат. Иккинчиси эса соддагина тузилган, ҳеч қандай механизми йўқ. Булар нима?

**Жавоб:** 1 ва 2

\*\*\*

Бир киши найчи ўртоғи билан аразлашиб қолди. Шундан сўнг унинг концертига тушиб антиқа йўл билан боплаб ўч олиб, алаmidан чиқди. Ҳалиги киши концертда нима қилган?

**Жавоб:** 1 ва 2

\*\*\*

Бир варақча 9 9 9 9 = 100 рақамлар ёзилган. 9 рақамлари орасига шундай арифметик ифодалар қўйингки, натижа тўғри чиқсин.

**Жавоб:** 9999=6+66

Эшмат ҳозир отасидан уч баравар ёшроқ. Бундан беш йил аввал эса тўрт баравар ёш эди. Топинг-чи, Эшматнинг ёши нечада?

**Жавоб:** 15

\*\*\*

Америкалик кашфиётчи Хайман Лифман ушбу кашфиёти учун 1858 йилда патент олишга муваффақ бўлди. Ҳатто шунинг орқасидан 100 минг долларга яқин пул ишлаб топишга ҳам улгурди. Аммо кейинроқ патент идорасининг мутасаддилари у шунчаки илгариги иккита бир-бирига тескари бўлган кашфиётни бирлаштирган деган хулосага келишди ва патентидан маҳрум этишди. Лифман нимани кашф қилган эди?

**Жавоб:** 1 ва 2

\*\*\*

Ажойиб ёз куни. Кенг яйловда икки бош от ўтлаб юрибди. Уларнинг зоти ҳам, шакли-шамойили ҳам, ранг-рўйи ҳам, ёши ҳам бир хил. Фақат бирининг думи оёғига боғлаб қўйилган. Ўтлоқда майсалар бир хил баландликда ўсган. Бир соат ичида уларнинг қай бири кўпроқ ўт ея олади?

**Жавоб:** 1 ва 2

\*\*\*

Исроилда бир чол ёш йигитга ҳазил аралаш мақтанаяпти:

– Мана бу йўлни кўраяпсанми? Уни мен қурганман. Анови ҳайкални кўраяпсанми? Уни мен ясаганман. Ҳов анави денгизни кўраяпсанми? Уни мен ўлдирганман. Қария қайси денгизни назарда тутган?

**Жавоб:** 1 ва 2



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### КҮЙ



Ҳафта охирларида фаол бўлишингизга тўғри келади. Шунинг учун куч-қувватингизни тўплаб боринг. Ойнинг биринчи ярмида муҳим қарорлар қабул қилманг. Молиявий, кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида эҳтиёт бўлинг. Имкон пайдо бўлиши билан дам олинг. Чунки тез орада қизғин иш фаолиятингиз бошланиб, нафас ростлашга вақтингиз бўлмайди.

### СИГИР



Шу кунларда ҳиссиётларингиз кучайиб кетади. Анчадан буён синалган инсонга кўнгили кўйган бўлсангиз, бу яхши. Аммо биринчи марта учратган одамнинг алдовига учманг. Акс ҳолда кейин афсусланасиз. Умуман олганда, ортиқча мулоқотлардан сақланганингиз маъқул. Ҳафта охирларида ёлғиз қолиб, шахсий ҳаётингизда рўй бераётган воқеаларни таҳлил қилинг.

### ЭГИЗАКЛАР



Ҳал этишингиз лозим бўлган турли масалалар тўплаганиб қолди. Уларнинг ечимини топинг. Зиммангизга ортиқча вази-фалар олманг. Олға интилишингизга ҳалал берадиган тўсиқлардан ҳалос бўлинг. Шубҳа ва қўрқувларга чек қўйинг. Мақсадни аниқ белгилаб, унга томон дадил интилинг. Ҳаётда янги йўлдан юришга чўчиманг. Кераксиз ташвишларни зиммангиздан соқит қилинг.

### ҚИСКИЧБАҚА



Ушбу ҳафта сиз учун анчайин мураккаб келади. Ортиқча ўй-хаёллар олға интилишингизга, бошқалар билан муносабат ўрнатилишингизга ҳалал бераяпти. Ҳозир турғунлик ҳолатидасиз. Физикрингизни бир жойга жамланг. Кучингизни фойдали томонга йўналтиринг. Қарабсизки, руҳингиз енгил тортади. Ҳаётингизда янги саҳифа бошланади.

### АРСЛОН



Кутилмаганда ҳаётингизда ўзгаришлар юз беради. Янги таассуротларни бошдан кечирасиз. Мабодо бунга руҳан тайёр бўлмасангиз, ўзгаришлар жараёнини хушламай, хавотир аралаш қарши оласиз. Бундай йўл тутсангиз, шахсий турмушингизни изга тушириш имконини қўлдан чиқарасиз. Қолаверса, куч-қувватингизни ҳам зое кеткизасиз.

### ПАРИЗОД



Ушбу ҳафта мулоқотларга бой бўлади. Баҳс-мунозараларга киришиб, ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлашингиз лозим бўлади. Бунинг учун сабр-тоқатли ва қатъиятли бўлинг. Бошлаган ишларингизни ўлда-жўлда қолдирманг. Қийин вазиятларда бошқалардан кўмак кутманг, фақат ўзингизга ишонинг. Дангаса баҳона излайди, тadbирли одам эса имкон топади.

### ТАРОЗИ



Агар ҳали оила қурмаган бўлсангиз, ушбу ҳафта бўлажак умр йўлдошингизни учратишингиз мумкин. Фақат бунинг учун очик кўнгили бўлишингиз керак. Ҳадеб ҳисоб-китоб қилаверсангиз, солиштираверсангиз, бундан бирор фойда чиқиши даргумон. Ахир, ҳаётни ипидан игна-насагача режалаштириб бўлмайди-ку. Мўъжизалар рўй беришига, ҳиссиётларингизга ишонинг.

### ЧАЁН



Мазкур ҳафтада бошқалар билан муносабатларингиз мустаҳкамланади. Ҳамкорлик алоқалари ўрнатасиз, янги танишлар орттирасиз. Оила аъзоларингиз, яқин дўстларингиз билан муносабатларингизни яхшилайсиз. Зарурат туғилганда, уларнинг ёрдамида умид қилсангиз бўлади. Ҳафта охирларида ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар юз беради.

### ЁЙ



Ҳафта бошларида қаттиқ меҳнат қилишингизга ҳамда сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади. Ҳафтанинг иккинчи ярми дўстлар ёки қариндошлар билан учрашиш, тантанали маросимларни ўтказиш учун қулай. Шунингдек, уй-рўзғор юмушлари билан шуғуллансангиз ҳам бўлади. Ўз фаолиятингизни сарҳисоб қилиш пайти келди. Ҳадемай саъй-ҳаракатларингизга яраша рағбатлантириласиз.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Ҳойнаҳой, сафарга чиқсангиз керак. Бу иш фаолиятингиз ёки мулкка оид масалалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Янги ишларни бошлайсиз. Шу сабабдан бутун диққатингизни моддий масалаларга қаратасиз, бошқасига вақтингиз қолмайди. Аммо шунга яраша фойда ҳам оласиз. Ҳафта охирида молиявий фаолиятингиз самарали кечади. Дам олишингизга имконият туғилади.

### ҚОВГА



Агар шу пайтгача ҳаётингизда нохушликлар юз берган бўлса, энди ҳаммаси изга тушади. Бошқалар билан муносабатларингиз яхшиланади. Моддий масалалар билан боғлиқ янги ишларни бошласангиз, албатта бароридан келади. Фақат таваккал қилманг, аввал пухта ўйланг. Ушбу ҳафтада юз берадиган воқеа-ҳодисалар ҳаётга қарашингизни ўзгартиради. Натижада янги имкониятларга эга бўласиз.

### БАЛИҚ



Бошқалардан фарқли равишда, сизга ҳали баҳорий кайфият йўлдош бўлмайди. Мазкур ҳафтада асосан иш билан банд бўласиз. Нуфузингиз ошади. Муайян ютуқларга ҳам эришасиз. Кўзлаган мақсадингизга ета оласиз. Бошқалар билан ҳамкорлик қилиш, уларни ўз ишингизга жалб этиш ҳам қўлингиздан келади. Қилган меҳнатларингиз ҳафта охирида ўз мевасини беради.



# Аёллар Маърифати

Сизга минг бор таъзим, онажонларим,  
Эй, азиз аёллар — жонажонларим,  
Опа-сингилларим — меҳрибонларим,  
Сиз билан бошланур баҳор ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли.

Пойингизга олам бор гулин тўккай,  
Гулдек товонингиз майсалар ўпгай,  
Қошингизда ҳатто шоҳлар тиз чўккай.  
Сиз билан бошланур иқрор ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли.

Сиз — ўшал кўкдаги юлдузлар, моҳлар,  
Қалдирғоч қошлару кийик нигоҳлар,  
Сизни деб қалблардан отилгай оҳлар,  
Сиз билан бошланур ҳаёт ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли.

Сизсиз умримизнинг маъноси йўқдир,  
Боғимизнинг гулу раъноси йўқдир,  
Париларнинг Сиздан аълоси йўқдир,  
Сиз билан бошланур баёт ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли.

Сиз — ёрсиз, ошиғин интизор кутган,  
Онасиз — тунлари аллалар айтган,  
Болам деб, неча бор ўлимдан қайтган,  
Сиз билан бошланур нажот ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли.

Сиз — ҳаёт чархиди тобланган олмос,  
Биз — узук, сиз — кўзсиз шу узукка мос,  
Сиз бизни тарк этманг зинҳор, илтимос,  
Сиз биландир сабру сабот ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли.

Доим шундай гўзал, шўх дилдор бўлинг,  
Мудом саодатга, бахтга ёр бўлинг,  
Бахтимизга доим омон, бор бўлинг,  
Сиз билан гўзалдир ҳаёт ҳам асли,  
Сиз — меҳру муҳаббат, садоқат фасли!

Зикрилло НЕЪМАТ.



## Оғла Меҳри

Бир куни болалар оналарининг олдига келиб, «орамиздан қайси биримизни жуда ҳам яхши кўрасиз», деб сўрашибди.

Она биров жим турибди-да қўлига бир дона шам олибди. Кейин уни ёқиб:

— Шам — бу менман. Унинг нури эса менинг меҳрим, муҳаббатимдир.

У шундай деганча бошқа бир шамни олиб, ўзидаги ёниб турган шамдан уни ёқибди.

— Бу шам тўнғич фарзандим. Мен унга ўзимнинг оловимдан, меҳримдан бераялман. Ўз оловимдан берганимда мен, яъни шамнинг нури пасайди-ми? Асло, у аввалгидек нур сочаяпти.

Она нечта фарзанди бўлса, худди шунча шамларни ўзидаги шам билан ёқди. Онадаги шам ўша ўша ҳолда ёруғ ва меҳрли нур сочиб тураверди...

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Кун давомида аёллар ўртача 20 минг сўз ишлатса, бу борада эркеклар 7 минг сўздан фойдаланар экан.

\*\*\*

Дунёдаги 20 та энг бой аёллар ўз бойлигини ё эридан ёки отасидан мерос сифатида орттирган. Хитойлик У Яцзюнь бундан мустасно.

\*\*\*

Бу жинс вакиллари сир сақлашда нўноқ. Улар кўпи билан 47 соату 15 дақиқа жим туриши мумкин.

\*\*\*

Улар бир йилда 30 дан 64 мартагача йиғлашар экан. Эркаклар эса бу даврда 6 дан 17 мартагача кўз ёш оқизар эмиш. Таъм билиш сезгилари ҳам эркекларникидан бир мунча кўпдир.

\*\*\*

Жаҳондаги аксарият давлатларда аёлларнинг ўртача умр кўриши эркекларникидан орттирдир.

\*\*\*

Илмий тасдиқланган маълумотга кўра, аёлларнинг мияси эркекларникига қараганда 10 фоиз кичик бўлади. Улар эркеклардан кўра музокара-ларга киришишда омадлироқ саналади.



## «АЁЛЛАР» КРОССВОРДИ

Ёйлар бўйича: 1. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қахрамони. 2. Моҳир тикувчи аёл. 3. Ўтмишда ҳукмдорларнинг аёли. 4. Пиримкул Қодиров романи асо-сидаги «Бобур» телесериали қахрамони. 5. Ўзбек халқ рақс куйи. 6. «Юлдузли тунлар» романида баён этилган Хумо-юннинг волидаси. 7. Мулойим, майин ва ёқимли. 8. Зийнат берувчи буюм. 9. Уни келганда, сепини ёйганда кўрган маъкул. 10. Алишер Навоий «Хамса»сидаги дoston қахра-мони. 11. Зеб-зийнат буюми. 12. Билим соҳибаси. 13. Му-боракбод. 14. Унинг қаршисида пардоз қилинади. 15. Ток баргли таом. 16. Бирор фаолият соҳасидаги алоҳида хиз-матни расман эътироф этадиган, ваколатли органлар то-монидан бериладиган ном. 17. Бола тарбияловчи аёл. 18. Соҳибжамол, келишган. 19. Оламга донги кетган рақс гу-руҳи. 20. Қошларга пардоз беришда фойдаланиладиган гра-фит ашё.

Тузувчи: Хусан ОРИПОВ.

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизли-ги олий техник мактаби худудидидаги офицерлар ош-хонасининг 108,75 квадрат метр майдони ижарага бе-рилади. Шу муносабат билан корхона ва ташкилотлар ўтказиладиган танловда қатнашишга таклиф этилади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри Сергели тумани Дўстлик кўчаси 5-уй.

**Телефон:** 258-56-57.

## КЕЛИНТ, БИР ҚИЛИМАЙЛИК!

— Алло, кечирасиз, уста-хонадан кўнғироқ қилаяп-ман. Хотинингиз машинаси-ни тузаттириш учун келган-ди. Энди буюғини қандай ҳал қиламиз?

— Пулини мен тўлайман. Машинани тузатаверинг...

— Машинани тузатгани-миз учун пулни шундоқ ҳам тўлайсиз. Лекин устахонани вайрон қилгани учун ким тўлайди?

\*\*\*

Ёшгина хоним катта йўлда машинани юқори тезликда ҳайдаб кетаётганда ёнида ўтирган дугонаси деди:

— Машинани секинроқ ҳайдасанг бўлмайдимми? Ҳамма нарса «лип-лип» ўтиб кўзимни чарчатапти.

— Сен ҳам мен қилган ишни қил.

— Қандай қилиб...

— Кўзларингни юмиб ол...

**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IIV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI**

Bosh muharrir o'rinbosari —  
**Qobiljon SHOKIROV**  
Mas'ul kotib —  
**Rahmatilla BERDIYEV**

**MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI**

Navbatchi —  
**Furqat G'AYBULLAYEV**  
Sahifalovchi —  
**Zokir BOLTAYEV**  
Matn ko'chiruvchi —  
**Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:**  
231-33-88;  
**Faks:** 255-31-39.



Tahririyat  
hisob raqami  
2021000900447980001,  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod  
tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.  
Nashrimizdan ko'chirib bosil-  
ganda «Postda»dan olinganligi  
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa  
ijodiy uyi bosmaxonasida chop  
etiladi. Korxonaning manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Buyurtma №S-2324. Bosilish — ofset usulida.  
Hajmi — 4 bosma taboq. 70042 nusxada chop etildi.  
Obuna raqamlari: Yakkita tartibda — 180. Tashkilotlar  
uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 22.00.  
Bosishga topshirildi — 21.00. Bahosi kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent,  
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**